Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

adolat_sdp@doda.uz ● www. adolat.uz ● №15 (820) ● 2011 йил, 1 апрель, жума

**АЁЛ — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ КУЧИ**

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг сайловолди дастурида партия хотин-қизларга таалуқли қонунчиликни янада такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимояланиш кучайтиришга доир кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш тарафдори эканлиги алоҳида қайд этилган.

2-бет

**ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ: ФАОЛИЯТ МУТАНОСИБЛИГИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ**

ва ўзаро таъсир механизмларини янада такомиллаштириш масалалари

3-бет

бизнинг қонунимиздаги янгилик — демократик ривожланишнинг умумэътироф этилган қоида ҳамда талабларига мувофиқ ҳолда халқимизнинг, мамлакатимизнинг тарихий, миллий хусусиятларига, қадриятларига асосланган ва у ўзимизга хос, ўзимизга мос модел тарзида намоён бўлмоқда.

**ҲУНАРНИ АСРАБОН НЕТГУМДИР, ОХИР...**

8-бет

«Эрингиз яхши топади-ку, сизга нима зарил?», деган қўшниларнинг эътирозлари унга қаршилик бўлолмади. «Етиб еганга тоғ чидамас. Бир эрнинг топгани рўзғорнинг қайси ғорига етсин, болалар мактабда бўлса, уйда зерикиб ўтираманми?» — деди-да, айтганидай қилди — болалар мактабга кетиб-келишлари оралиғида «Иффатли келин» ўқув марказининг «Тикиш-бичиш» курсини ўқиб тугатди.

## Ишонч ёрлиқлари топширилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 31 март куни Оқсаройда Кувайт Давлати, Тожикистон Республикаси, Украина ҳамда Польша Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Халаф Мижбал Бузахир, Музаффар Ҳусейнов, Юрий Савченко ва Мариан Пшезьдзецки ишонч ёрлиқлари топширди.

Президент Ислом Каримов ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, дипломатларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинланганлари билан қутлади, Ўзбекистонда бошлаётган миссияларида муваффақият тилади.

Кувайт Ўзбекистоннинг араб дунёсидаги муҳим иқтисодий ва сармоявий шерикларидан биридир. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил январь ойида Кувайт Давлатига расмий ташрифи самараси ўлароқ, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янада юксак поғонага кўтарилди, икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланди, ҳамкорликни кенгайтиришнинг янги имкониятлари ишга солина бошлади.

Кувайт Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг 2008 йил июлида мамлакатимизга расмий ташрифи ўзаро муносабатларни ривожлантириш йўлидаги янги қадам бўлди. Ташриф асносида Ўзбекистон — Кувайт муносабатларини мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни фаоллаштиришга оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

Халаф Мижбал Бузахир ўз дипломатик миссияси даврида икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш учун куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик ўрнатилган. Икки мамлакат халқларини муштарак тарих, анъана ва маданиятга ҳамда маънавий яқинликка асосланган асрий дўстлик ва яхши қўшничилик алоқалари боғлаб туради.

Икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси қатор давлатлараро ҳужжатлардан таркиб топган. Ўзбекистон — Тожикистон ҳукуматлараро комиссияси мажлисларида иқтисодий ва маданий алоқаларни равнақ топтиришга оид долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Мамлакатларимиз турли халқаро ташкилотлар ва кўп томонлама тузилмалар доирасида ҳам томонларни қизиқтирган масалалар бўйича ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Музаффар Ҳусейнов мамлакатимиздаги дипломатик фаолияти давомида Тожикистон билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун барча зарур саъй-ҳаракатларни амалга оширишини қайд этди.

Ўзбекистон — Украина муносабатлари мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлиб, турли соҳалардаги ҳамкорликни қамраб олувчи қарийб 150 ҳужжат билан тартибга солинади. Президентимиз Ислом Каримовнинг 1998 йил февраль ойида Украинага расмий ташрифи асносида икки мамлакат ўртасида имзоланган Дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги шартнома ўзаро алоқаларни изчил тараққий эттиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Эркин савдо тартиби ўрнатилганининг самараси ўлароқ, юртимизда украиналик сармоядорлар иштирокида кимё, ёғочни қайта ишлаш, озиқ-овқат саноати, қурилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият кўрсатувчи элликдан зиёд корхона ташкил этилган. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Украинадаги 15 етакчи фирма ва компаниянинг ваколатхоналари рўйхатга олинган.

Юрий Савченко Украина Ўзбекистон билан сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор эканини, ўз миссияси даврида икки томонлама ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун мамлакатларимизнинг салоҳият ва имкониятларини тўлароқ ишга солишга алоҳида эътибор беришини таъкидлади.

Польша Европа Иттифоқининг Ўзбекистон билан муносабатларни фаол ривожлантираётган давлатларидан биридир. Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари томонидан мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиб келинмоқда. Хусусан, 2010 йилнинг октябрь ойида Тошкентда ушбу мулоқотларнинг бешинчи даврасини ташкил этилди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гап кетганда, икки мамлакат ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Польша ҳукуматлараро комиссияси савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим механизми сифатида хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг май ойида Тошкентда мазкур комиссиянинг навбатдаги мажлисини ва унинг доирасида қўшма бизнес-форум ҳамда Польша Республикасининг Миллий кўргазмасини ўтказиш режалаштирилмоқда.

Мариан Пшезьдзецки Польша ва Ўзбекистон ўзаро ҳамкорликни самарали ривожлантириш учун барча имкониятларга эга эканини, савдо-иқтисодий алоқаларни янада фаоллаштириш ва товар айирбошлаш ҳажмини оширишни ўз фаолиятининг муҳим йўналиши деб ҳисоблашини қайд этди.

**(ЎзА)**




## Демократик ислоҳотларнинг янги босқичида

### партия олдидаги долзарб жараён

**Ижроия Қўмита йиғилиши**

**Илёс САХАТОВ,**
«Adolat» мухбири.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кун тартибидан ўрин олган "Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия Кенгашларида "Ўзбекистон "Адолат" СДП демократик ислоҳотларнинг янги босқичида" мавзуидаги ўқув-семинарларини ўтказиш тўғрисида", "Ўзбекистон "Адолат" СДП молиявий-хўжалик фаолиятини ташкил этиш, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни самарали сарфлаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида" ҳамда "Ўзбекистон "Адолат" СДП тизимида кадрлар билан ишлаш бўйича Йўриқнома тўғрисида"ги масалалар кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Х.Маматов маъруза қилди. Маърузачи таъкидлаганидек, бугун партия ўз фаолиятини Президентимиз томонидан Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида таклиф этилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»даги устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича қабул қилинган Ҳаракат дастури доирасида янада жадаллаштирмоқда. Концепцияга асосан амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг янги босқичида партиянинг келгусидаги мақсад, вазифаларини аниқ белгилаш, янгиланишларга ҳамоҳанг тарзда партия фаоллари ва кадрлари малакасини мунтазам ошириб бориш устувор вазифалардан саналади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон "Адолат" СДПда партия кадрлари ва фаолларининг ўқишини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича муайян тажриба тўпланган. Хусусан, шу йилнинг ўзида партия Марказий аппарати ва "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри партия Кенгашлари матбуот хизматлари ходимларининг ўқиши ташкил этилди. Шунингдек, партия иш режасига мувофиқ 2011 йилнинг 14-16 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия Кенгашлари раислари, раисликка захирадаги номзодлар ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбарлари учун Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Концепция асосида махсус ўқув курслари ўтказилди.

Шу билан бирга, партия фаоллари ва кадрларини касбий, ғоявий-сиёсий жиҳатдан тайёрлашда бир қатор камчиликлар ҳам мавжуд.

Давоми 2-бетда »



## "Chevrolet spark": Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

**"Биз — бунёдкор халқмиз" фототанловига**

**Рустам ШАГАЕВ,**
ЎзА олган сурат.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бундан 15 йил аввал Асака шаҳрида автомобиль заводи ишга туширилгач, Ўзбекистон дунёдаги етакчи автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатлардан бирига айланди. Бу — мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларнинг амалий самараларидандир.

Бугунги кунда ўзбек автомобиллари кўплаб хорижий мамлакатларда харидоргир ҳисобланади. МДҲ ҳудудидаги 104 шаҳарда мазкур автомобилларни сотиш бўйича диллерлик корхоналари мавжуд. Европа бизнеси уюшмаси автомобиль ишлаб чиқарувчилари қўмитасидан маълум қилишларича, ўтган йили "GM Uzbekistan" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар Россиядаги энг харидоргир автомобилларнинг ўнлигига кирган.

Ўтган йилдан бошлаб мазкур корхонада янги – "Chevrolet Spark" автомобилини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Еттинчи русумдаги мазкур автомобиллар ҳозирда экспорт қилинмоқда. Ушбу кам сиғимли янги авлод машинаси қулайлик ва хавфсизлик даражасининг юқорилиги, яхши техник кўрсаткичлари ҳамда замонавий кўриниши билан ажралиб туради.

Асака заводида "Chevrolet Spark" автомобиллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун кенг кўламли реконструкция ва модернизация ишлари амалга оширилди, замонавий автомобиллар ишлаб чиқарадиган энг янги ускуналар ўрнатилиб, илғор технологиялар жорий қилинди. Қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 50 минг "Chevrolet Spark" русумидаги автомобилни ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

***Суратда:*** тўпловчи Улуғбек Мадёров.

## Роғун лойиҳаси — Ўрта Осиё учун цунамидан ҳам хавфлироқ

**Огоҳлик**

**С. ЖИГАРЁВ,**
«Гидролойиҳа» МЧЖ директори

Японияда рўй берган кучли зилзила ва шиддат билан босган цунами табиатнинг бошқариб бўлмайдиган фалокатлари одамлар ҳаёти учун қандай даҳшатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини яна бир бор исботлади. Бугунги кундаги глобал иқлим ўзгариши шароитида даҳшатли табиий офатларнинг тез-тез такрорланиши одатий ҳолга айланмоқда. Ушбу офатлар инсон ҳаёти ва фаолияти натижалари билан биргаликда илгари мисли кўрилмаган кўламдаги техноген фалокатларни келтириб чиқармоқда. Бунга Япония атом электр станциясида рўй берган фалокат яққол мисол бўла олади.

Японияда содир бўлган ушбу фалокат бутун дунёда катта ташвиш уйғотмоқда. Кўплаб давлатлар ҳукуматларини шундай ҳалокатларнинг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўришга, ҳаттоки, зилзила юз бериш эҳтимоли назарий жиҳатдан ҳам деярли мумкин бўлмаган Германияда бўлгани каби, атом электр станциялари фаолиятини тўхтатишга мажбур қилмоқда. Мантиқан олиб қараганда, бундай чора-тадбирлардан кўзланган мақсад тушунарли, албатта. Бинобарин, дунёда бинолар ва иншоотларнинг зилзилага бардошлигига нисбатан талаблар ғоят қатъий бўлган ва сейсмик фаол зонада энг илғор қурилиш технологиялари асосида иш олиб бориладиган Япониядек давлатдаки шундай фалокатларнинг содир бўлиши эҳтимолдан холи эмас экан, бошқа ҳеч бир мамлакат ўзини бундай офатлардан ҳимояланган, деб ҳисоблай олмайди.

Шу муносабат билан Тожикистон раҳбариятининг мамлакат аҳолиси онгига бир неча йиллардан буён муттасил қуйиб келинаётган Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳаси ҳақидаги баландпарвоз гаплари ёдга тушади. Ҳолбуки, бу ўринда гап тектоник емирилувчи ва йирик туз қатламлари мавжуд жойда дунёдаги энг баланд тўғонли Роғун ГЭСи қурилиши ҳақида бормоқда. Ачинарли жиҳати шундаки, гўёки, бу лойиҳа мазкур мамлакатда яшаётган одамларнинг тақдирини тубдан ўзгартириб юборади. Хайриятки, ушбу таги пуч ғоянинг асл моҳияти ва аянчли оқибатларини англаб етаётган соғлом фикрли олимлар ҳам йўқ эмас.

Роғун ГЭСи қурилиши ҳақидаги хомхаёл билан юрган Тожикистон раҳбарияти кўп йиллар давомида бутун дунё жамоатчилигини Тожикистонда ҳалокатли зилзилалар хавфи деярли йўқлигига ишонтиришга уриниб келаётганини эслатишга ҳожат бўлмаса керак. Хусусан, Тожикистон Бош вазири О.Оқилов ўтган йили Роғун ГЭСи қурилиши хавфи хусусида Ўзбекистоннинг сўровига юборган жавобида Роғун ГЭСи қуриладиган зонада 6 баллдан кучли зилзила бўлиши мумкин эмас, деб таъкидлаган.

Давоми 4-бетда »



# Демократик ислоҳотларнинг янги босқичида

## партия олдидаги долзарб жараён

« Давоми. Боши 1-бетда

Ҳудудий партия ташкилотларининг Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари билан алоқаси яхши йўлга қўйилмаган. Партия фаоллари иштирокида ўтказиладиган ҳар йилги анъанавий семинарлар фаолиятдаги камчиликларни бартараф этишга мўлжалланган бўлиб, аниқ белгиланган кун тартибига эга. Мазкур кун тартиби мамлакат ижтимоий-сиёсий ривожланишининг муайян даврида партия томонидан ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб вазифани белгилаб беради.

Жорий йилда ўтказилиши мўлжалланаётган ўқув-семинарларининг бош мақсади — иштирокчиларга мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган фаол демократик ислоҳотлар даврида юз берган янгиликлар тўғрисида маълумот бериш, жамиятни демократлаштиришда "Адолат" СДПнинг ўрни ва ролини аниқ белгилаш, ўз фаолиятимизни танқидий нуқтаи назардан чуқур таҳлил қилиш, юқори натижаларга эришишда ҳалақит берадиган тўсиқларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, шунингдек, партия фаолларини мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб кутиб олишга сафарбар қилиш ҳамда мустақил тараққиётимизнинг янги босқичи талабларига мос ҳолда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва ролини янада юқори даражага кўтаришдан иборат.

Қизғин муҳокамалар жараёнида мазкур масала доирасида партия ташкилотлари ўқув-семинарларини сиёсий жиҳатдан юқори савияда ташкиллаштириш ва ўтказиш бўйича иштирокчиларнинг таклифлари тингланди ва қарор қабул қилинди.

Йиғилиш кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати раҳбари Р.Ҳайдаров сўзга чиқди. Партиянинг молиявий фаолиятига оид ушбу масала муҳокамадан ўтказилиб, "Ўзбекистон "Адолат" СДП молиявий-хўжалик фаолиятини ташкил этиш, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини самарали сарфлаш тўғрисидаги Низом" тасдиқланди ва ижро учун қабул қилинди. Мазкур Низом партия пул маблағларининг шаклланиши, улардан фойдаланиш тартиби ва йўналишлари, Сиёсий Кенгаш Марказий аппарати ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия Кенгашларининг жорий харажатлари, молиявий-хўжалик фаолият устидан назорат масалаларини қамраб олган. Низом «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида», «Жамоат ташкилотлари тўғрисида» ҳамда «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган. Унинг асосий мақсади партия маблағларини тўғри шакллантириш, сарфланишини тартибли ташкил этишдан иборатдир.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари С.Раупов иштирокчиларни Ўзбекистон "Адолат" СДП тизимида кадрлар билан ишлаш бўйича Йўриқнома билан таништирди.

Маърузачи ўз сўзида сиёсат майдонига кирган, ўзининг сиёсий мақсад ва вазифаларини асослаб беришга, кенг миқёсли ва аниқ сиёсий ҳаракатлари билан электоратининг ишончини оқлашга ҳаракат қилаётган ҳар қайси сиёсий партия — кадрларни танлаш, бўлажак ўринбосарларнинг сиёсий салоҳиятини ошириш ҳисобига партиянинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиши шарт эканлигини алоҳида қайд этди. Айни пайтда, бу масалалар партия сайловолди дастури ижроси ва мафкураси тарғиботи сингари муҳим вазифа эканлигини эътироф этди. Шунингдек, сиёсий партиялар фаолиятига оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида берилган имкониятлар доирасида ҳамда Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифаларга тўла жавоб бера оладиган даражада фаолият юритиш учун Ўзбекистон "Адолат" СДП ўз кадрларининг сиёсий онги ва қарашларини, билим савиясини ошириб бориши кераклиги таъкидланди.

Партиянинг қуйидан юқоригача бўлган барча тузилмалари учун ҳаракат мажмуи ҳисобланган кадрлар фаолиятини тизимлаштиришга оид мазкур Йўриқнома қизғин муҳокамалардан сўнг тасдиқланди.

Мажлис сўнггида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

# Кўргазмали семинар

**Тадбир**

**Ўзбекистон «Адолат» СДП**
Фарғона вилояти Кенгаши
матбуот хизмати.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона шаҳар кенгашида кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Партиянинг туман, шаҳар кенгашлари раислари, партиядан Халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашига сайланган депутатлар, партия фаоллари ва ОАВ ходимлари иштирок этган семинарда Парламент палаталарининг қўшма мажлисида муҳтарам Юртбошимиз томонидан тақдим этилган Концепцияда илгари сурилган илғор ғоя ва таклифларга асосий эътибор қаратилди.

— Концепцияда белгиланган устувор йўналишларни тарафдорларимиз, сайловчиларимиз ўртасида кенг тарғиб этиш юзасидан бажаришимиз керак бўлган ишларимиз кўп, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти Кенгаши раиси Н.Шодиев. — Зеро, Концепция асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан Конституциямизнинг айрим моддаларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар барча сиёсий партияларни, шу жумладан, «Адолат» СДПни фаолликка чорлайди. Бунга астойдил киришишимиз, бу борада Кенгаш аъзолари масъулиятини жиддий равишда оширишимиз зарур. Шунингдек, кадрлар захирасини шакллантириш, «Ёш адолатчилар» қаноти ишини ривожлантириш, БПТ ишини тубдан ўзгартириб, ҳудудий Кенгаш раисларига талабни кучайтириш, фаолиятимизда депутатлар билан ўзаро ҳамкорликни янада жонлантиришимиз лозим. Бугунги кўргазмали семинардан кўзланган мақсад эса, партиямизнинг Фарғона шаҳар Кенгашида амалга оширилаётган ишларни ўз кўзимиз билан кўриб, камчиликларни очиқ-ойдин айтиш, уларни бартараф этиш бўйича аниқ чораларни белгилаш, ютуқларини ўрганган ҳолда бошқа туман кенгашларига жорий этишдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, бу борада ҳудудда қатор амалий ишлар бажарилган. Шаҳар кенгаши хонасини ҳозирги давр талаблари асосида жиҳозлаш, иш ҳужжатларини юритиш, партияга янги аъзоларни қабул қилиш, аъзолик бадалларини ундириш, депутатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, «Ёш адолатчилар» қаноти, БПТ фаолиятини янада жонлантириш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилди.

Семинарда Концепцияда белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Ҳаракат Дастури ижросини таъминлашда Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона шаҳар Кенгашининг иштироки ва вазифалари ҳақида Кенгаш раиси Ш.Аҳмедовнинг маърузаси тингланди.

Иштирокчилар семинар давомида Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона шаҳар кенгашида амалга оширилган ибратли ишлар билан яқиндан танишиш билан бирга, ўзаро тажриба алмашдилар.

Семинар режасига мувофиқ иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Фарғона шаҳар Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-ҳунар коллежи жамоаси билан мулоқот ўтказдилар. Қизғин савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар асосида ўтган ушбу тадбирда коллеж ўқувчилари томонидан тайёрланган «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» мавзуидаги концерт дастури намойиш этилди.

# Аёл — жамият тараққиётининг муҳим кучи

**Давра суҳбати**

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
«Adolat» мухбири.

Аёлларнинг ҳар жабҳада фаол иштироки, уларнинг муносиб турмуш кечириши, салоҳият ва иқтидорларини намоён қилишлари учун мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Бу эътибор ва ғамхўрликларнинг самараси бугун турли соҳаларда фаолият юритаётган аёлларнинг эришаётган ютуқларида намоён бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг сайловолди дастурида партия хотин-қизларга тааллуқли қонунчиликни янада takомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга доир кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш тарафдори эканлиги алоҳида қайд этилган. Партиянинг "Аёллар қаноти" ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида ташкил этилган "Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишнинг долзарб масалалари" мавзуидаги давра суҳбати ҳам ана шу мақсадларни амалга оширишга хизмат қилади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари ва ёшлар иштирок этган мазкур тадбирда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг бу борадаги мулоҳазалари ва муаммоларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш чораларини аниқлаш борасида сўз юритилди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директорининг ўринбосари Адҳам Ҳамдамов, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Комилжон Одилов, БМТнинг Тараққиёт дастури координатори Сайёра Ходжаеваларнинг "Юксак сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга эга аёл — демократик жамият асоси", "Сайлов жараёнларида аёллар иштироки", "Халқаро ҳужжатларда аёллар ҳуқуқлари масалалари ва уларни миллий қонунчиликка мослаштириш" мавзуларидаги маърузалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларнинг жамиятдаги иштирокини янада тўлароқ таъминлашда партиянинг иштирокини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, аёлларининг жамиятдаги мавқеини, интеллектуал салоҳиятини ошириш, улар учун кенг имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш, уларни кучли ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қонунчиликни янада такомиллаштириш борасидаги ислоҳотларга қанчалик катта эътибор қаратилса, бу ўз навбатида оилаларнинг мустаҳкамланишига, жамият тараққиёти учун фаол аёлларнинг сони ортишига, пировардида, ҳар жиҳатдан соғлом фарзандлар дунёга келишига замин яратади.

— Ҳар қандай жамиятнинг асосий кўзгуси бу аёлдир, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати З.Ботирова. — Чунки жамиятнинг ижтимоий тузуми қандай бўлишидан қатъий назар, ўша жамият аҳолиси турмушининг фаровонлик даражаси, оилалар барқарорлиги, фарзандлар тарбияси, иқтидори, интеллектуал салоҳият, маънавият ва маданият, маърифат, умуман, барча жабҳаларда эришилган ютуқлар шу жамият тараққиётига хотин-қизларнинг қўшадиган ҳиссаси ва ўша жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади.

Кўппартиявийлик шароитида жаҳон социал-демократияси принципларига ҳамда жамиятимиздаги ўзига хосликка, миллатимиз онгу шуурига сингиб кетган қадриятларимизга, анъаналаримизга ҳамоҳанг равишда юксак бағрикенглик, адолатлилик, эркинлик ва холислик тамойилларини фуқаролар онгига сингдиришга, пировардида ҳақиқий ҳуқуқий демократик, ижтимоий адолат қарор топган, қонунлар устуворлиги таъминланган фуқаролик жамиятини барпо этишга интилиб келаётган Ўзбекистон "Адолат" СДП "Аёллар қаноти" мамлакатимиз хотин-қизларини жамият тараққиётидаги ўта муҳим куч деб ҳисоблайди.

# Вазифалар янада аниқлаштирилиб олинди

**Пленум**

**Ўзбекистон «Адолат» СДП**
Бухоро вилояти Кенгаши
матбуот хизмати.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Бухоро вилояти Кенгашининг IV Пленуми бўлиб ўтди. Унда партия фаоллари, туман ва шаҳар кенгашлари раислари, «Ёш адолатчилар» ва «Хотин-қизлар» қаноти вакиллари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти минтақавий ахборот таҳлил маркази ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Пленумда асосий эътибор Президентимиз Ислом Каримов томонидан Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида илгари сурилган Концепция ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузасида келтирилган хулоса ва таклифлар асосида партия фаолияти учун муҳим бўлган мақсад, вазифаларга қаратилди.

— Мамлакатимизда юз бераётган демократик янгиланишларнинг янги босқичида партиямиз сайловолди дастуридаги устувор вазифаларимиз ижроси борасидаги ишларимизни жонлантиришимиз ҳамда фаолиятимиз самарадорлигини янада оширишимиз лозим, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Бухоро вилояти Кенгаши раиси Р.Аҳмедов. — Бунинг учун албатта, партиянинг ҳар бир маҳаллий кенгашлари депутатларидан, БПТлар, «Хотин-қизлар» ва «Ёш адолатчилар» қанотларидан, бир сўз билан айтганда, ҳар бир партия фаолидан ислоҳотларга шахсий дахлдорлик туйғуси билан меҳнат қилиш, шижоатли ва ташаббускор бўлиш талаб этилади. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар замирида жамиятимизнинг барча қатламлари манфаатлари мужассамдир.

Пленумда Ўзбекистон «Адолат» СДП маҳаллий Кенгаши депутатларининг 2010 йилдаги фаолияти ва жорий йилда амалга оширилиши режалаштирилган вазифалар ҳамда Ўзбекистон «Адолат» СДП Бухоро вилояти Кенгашининг 2010 йилдаги бюджети ижроси ҳам атрофлича таҳлил қилинди.

Шунингдек, Пленумда вилоят Кенгаши олдидаги устувор вазифаларни янада аниқлаштириш хусусида сўз бориб, партия ишидаги эскича ёндашувлардан воз кечиш, партия мафкураси ва дастурий вазифалари юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантириш, ўтказилаётган тадбирларнинг мазмун моҳиятини янада ошириш, таъсирчанлиги ва самарадорлигини кучайтириш юзасидан таклифлар билдирилди.

Пленум сўнггида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида БМТ Тараққиёт дастурининг «Парламент ривожланишини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси» ҳамкорлигида «Парламент журналистикасининг долзарб масалалари» мавзуида семинар-тренинг ташкил қилинди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, бир гуруҳ тажрибали журналист ва олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.



# Парламент ва парламент журналистикаси

**Семинар-тренинг**

**Фарҳод ЭСОНОВ,**
«Adolat» мухбири.

Таъкидлаш жоизки, мазкур семинар-тренинг Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январь ҳамда 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисларидаги маърузаларида фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш борасида белгилаб берган устувор вазифалар асосида ташкил этилди.

— Муҳтарам Юртбошимиз томонидан, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, қуйи палатанинг матбуот хизмати раҳбари Олим Ўсаров, — оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг эркин фаолият юритишини таъминлайдиган қонунчилик асосларини шакллантиришга қаратилаётган эътибор миллий парламентимиз фаолиятини ёритишда ҳам юксак самаралар бераётир.

Таъкидландики, давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган Концепцияда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўлида айни пайтдаги долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Интерфаол машғулотлар асосида бўлиб ўтган ушбу икки кунлик семинар-тренингда депутатларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳамкорлиги самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Сўзга чиққанлар парламент фаолиятини ёритувчи журналистларнинг материаллари сифатини ошириш, сайловчиларнинг депутатлар фаолиятидан хабардор қилиб боришда замонавий шакл ва усуллардан самарали фойдаланиш борасида фикрлар билдирилди.



# "Менинг туҳфам!" акцияси

**Ўзбекистон «Адолат» СДП**
Хоразм вилояти Кенгаши
матбуот хизмати.

Йилдан-йилга гуллаб яшнаётган юртимизга яна баҳор келиши билан барча туман, қишлоқларимизда кўкаламзорлаштириш ишлари янада авж олмоқда. Табиатнинг уйғонишидан бутун борлиқ завқланади, қушларнинг чуғур-чуғур сайраши инсоннинг ҳаётга бўлган қизиқишини уйғотади, осмонимиз мусаффо эканлигига шукроналар айтгинг келади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Гурлан тумани кенгаши ҳамда "Хотин-қизлар" ва "Ёш адолатчилар" қанотлари ҳамкорликда тумандаги "Вазир" қишлоғида "Мустақилликнинг 20 йиллигига — 20 туп дарахт менинг туҳфам" акцияси ҳам айни баҳор кунларига тўғри келди. Акция доирасида экилган ҳар бир туп кўчат ерга ўзгача бир меҳр билан қадалди. Турфа хил мевали ва манзарали дарахтлар таги юмшатилиб, уларга ишлов берилди... Ариқ-зовурлар қазилди... Атроф-муҳит чиқиндилардан тозаланди...

— Қишлоқ аҳли кўтаринки кайфиятда, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Гурлан тумани кенгаши депутати, маҳалла маслаҳатчиси Қуроной Холбоева. — Фасллар келинчаги баҳор байрами — Наврўз айёмини ҳам ҳар йилгиданда ўзгача шукуҳ билан кутиб олдик. Шодиёналар давом этмоқда. Қишлоқ аҳли жам бўлишиб, дошқозонларда баҳор таоми — сумалак тайёрлашмоқда.

Хабарингиз бор, Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасида баён этилган қонунчилик ташаббусларига мувофиқ Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида (шу йил 25 мартда) «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Қонун маъқулланди.

*Давлат ҳокимияти органлари:*

# Фаолият мутаносиблигининг таъминланиши

## ва ўзаро таъсир механизмларини янада такомиллаштириш масалалари

**Концепция — тараққиётимиз дастури**

**Собир ТУРСУНОВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси.



Унда давлат ҳокимияти органлари фаолияти мутаносиблигининг таъминланишини ва ўзаро таъсир механизмларини янада такомиллаштириш масалаларига қонуний мақом берилди. Бошқача айтганда, давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг учта субъекти: давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг мутаносиб (мувофиқ) тақсимланишини таъминлашнинг такомиллашган механизмлари ишлаб чиқилди. Уларда давлат ҳокимияти органларининг ўзаро таъсири асносида ҳар бир палатанинг ҳам мақоми, ваколатлари ва фаолият механизмлари аниқ белгилаб берилди. Айни кезда социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу бежиз эмас. Чунки, давлатимиз раҳбарининг қонунчилик ташаббуси ўзининг том маъноси ва мазмунига кўра, мустақил мамлакатимизда демократик ривожланиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида янги босқич бошланганини, бу эса жуда катта тарихий аҳамиятга эга эканлигини далиллаб турибди. Зеро, юртимизда ислоҳотлар давомида шундай бир ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий шароит пишиб етилдики, эндиликда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи органлари ўз фаолиятларини ўта масъулият ва ўта жавобгарлик билан юритмоқдалар. Масалан, парламент ваколати кучайди, ижро ҳокимияти устидан парламент назорати кенгайди. Бош вазир Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қилиш билан бирга мустақил равишда қарорлар қабул қилмоқда. Ижтимоий ва маънавий соҳаларда ҳукумат фаолияти самарадорлиги тобора ошиб бормоқда.

Сиёсий партиялар яратилган ҳуқуқий база ва шарт-шароитлар доирасида ўз ташаббускорлигини янада тўлароқ намоён эта бориб, қонун чиқарувчи ҳокимиятга ҳам, ижро этувчи ҳокимиятга ҳам таъсирини орттирмоқда. Фуқаролик жамияти институтларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни юксалиб, уларнинг сони 2000 йилга нисбатан 2,5 баробарга (5100 тадан зиёдга) ўсди.

Таъкидлаш керак, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий шароитнинг пишиб етилишига хизмат қилган омиллар буларгина эмас: аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда, ўз фикр-ғояларини ва муносабатини, позициясини эркин билдиришда ОАВнинг ҳам роли кучайди. Босма ОАВ ва электрон ОАВ сони қарийб 1200 тага етди. Қолаверса, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, ижтимоий онг даражаси юксалиб, хусусан, ёш авлоднинг тафаккурида янгича қараш, янгича фикрлаш юз берди.

Демакки, тараққиётимиз дастури — Концепцияда илгари сурилган ғоялар, белгиланган вазифалар, тавсия этилган таклифлар — давлат ҳокимияти органлари ўртасида фаолият мутаносиблигининг таъминланиши ва ўзаро таъсир механизмларини шубҳасиз такомиллаштиришга катта туртки беради. Жумладан, ҳокимият тармоқлари мустақиллигини оширишга хизмат қилади ва ўзаро бир-бирини тийиб туриш механизмларини шакллантиради. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси ваколатига таааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш, ижро этувчи ҳокимият девонини тузиш ва унга раҳбарлик қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколати доирасидан чиқарилиши ёки Бош вазирнинг Президентга вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимларини қонун асосида тайинлаш, лавозимидан озод этиш учун тақдим қилиш ҳуқуқининг киритилиши — Бош вазирнинг ҳам ва унинг раҳбарлигидаги ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳам мустақиллигини, таъсирини оширади.

Бош вазир номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдорда энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилишини оласизми, Олий Мажлисга Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ёхуд Бош вазир ҳисоботини эшитиш ва муҳокама қилиш ҳуқуқининг берилишини оласизми — барчаси ижро этувчи ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан мувозанат механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Бу ҳам табиийки, Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлис олдидаги жавобгарлиги механизмини бевосита такомиллаштириш масалалари сирасига киради.

Кези келганда, Бош вазир номзодини кўрсатиш хорижий мамлакатларда қандай амалга оширилиши тажрибасига ҳам кўз ташлаш фойдадан холи бўлмас. Айрим ривож топган давлатларда Бош вазир Президент томонидан тайинланиши тартиби ўрнатилган бўлса-да, номзодини тақдим қилувчилар аниқ белгиланмаган. Масалан, Францияда Президент томонидан тайинланиб келинади. Португалияда эса Президент парламентдаги сиёсий партиялар билан маслаҳатлашувлар ўтказгандан сўнг ва сайлов натижаларига кўра тайинланади. Австрия, Хорватия, Чехия, Италия каби қатор давлатларда эса Президент томонидан тайинланиши қонунларда қайд этилган.

Хулоса қилсак, бизнинг қонунимиздаги янгилик — демократик ривожланишнинг умумэътироф этилган қоида ҳамда талабларига мувофиқ ҳолда халқимизнинг, мамлакатимизнинг тарихий, миллий хусусиятларига, қадриятларига асосланган ва у ўзимизга хос, ўзимизга мос модел тарзида намоён бўлмоқда. Ўзбекистон «Адолат» СДП бу янгиликни жамиятимизда сиёсий ҳамжиҳатлик ва сиёсий барқарорликнинг ҳуқуқий негизи деб билади. Рўй бераётган янгилик — сиёсий қарашларни эркин ҳолда ривожлантиришга, партияларaро ижобий сиёсий рақобат муҳитини қарор топтиришга, энг муҳими, аҳолининг хоҳиш-иродасини рўёбга чиқаришга ёрдам беради, деб ҳисоблайди. Зотан, партиямизнинг бу борадаги позициясини, ролини кучайтириш — электоратимизнинг давлат ва жамият бошқарувида фаоллигини янада оширишни зарурат қилиб қўймоқда. Бу билан, биринчидан, «Адолат» СДП ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини электорати ва тарафдорлари орасида муттасил жонлантириб, уларнинг сиёсий онги ва фаоллигини ошириб боради, иккинчидан, парламентдаги фракцияси томонидан олиб борилаётган қонун ижодкорлиги фаолиятининг янада самарали ташкил этилиши чораларини кўради.

Мухтасар айтсак, давлат ҳокимияти органларида фаолият мутаносиблигининг таъминланиши ва ўзаро таъсир механизмларини янада такомиллаштирилиши мамлакатимизда кўп партиявийлик тизимига ҳам шаксиз ривож беради, жамиятимизни янада эркинлаштиради, фуқаролик жамияти институтларининг мавқеи ҳамда таъсирини оширади, аҳолининг сиёсий-ижтимоий фаоллигини кучайтиради, натижада, халқ ва давлат орасида очиқ, ошкора, ҳақгўй мулоқот жонланади.

## Истиқболли корхона



**Суратда:** (чапдан) технолог Муродали Эшқобилов ва уста Эркин Турсунов.

Қашқадарё вилояти Китоб туманида фаолият юритаётган "Тегирмонмонтажсервис" масъулияти чекланган жамияти тегирмонлар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ва уларни монтаж қилишга ихтисослашган.

Мазкур субъект маҳаллий ҳамда Навоий, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларидаги саноат корхоналарига донни қайта ишлайдиган тегирмонлар учун юздан ортиқ турдаги эҳтиёт қисмларни етказиб бермоқда. Корхона муҳандис-технологлари тегирмонни тайёр ҳолда шу ернинг ўзидан ишлаб чиқариш борасида лойиҳа тайёрлаган. Корхона "Ташаббус-2011" кўрик-танловининг вилоят босқичида "Энг яхши инновацион лойиҳа" номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритгани бу борадаги изланишларнинг муносиб эътирофи бўлди.

# Ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши

## ижроия ҳокимияти фаолиятининг самарадорлиги ҳамда масъулиятини оширишга хизмат қилади

**Концепция: устувор вазифалар**

**Х.МАМАТОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси.

Мустақиллик йилларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар, хусусан, ҳокимиятлар бўлиниши тамойилининг татбиқ қилиниши, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланишининг таъминланишига монанд ҳолда давлат ҳокимияти органларининг тизими, ваколати ва вазифалари ҳам босқичма-босқич модернизация қилинмоқда. Давлатимиз ҳаётида фаол ислоҳотлар даври сифатида баҳоланаётган сўнгги ўн йил давомида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида мамлакат олий қонун чиқарувчи органи, икки палатали профессионал парламентга айлантирилди ва самарали фаолият юритмоқда. Бу босқичда мамлакат парламенти ҳуқуқ ва ваколатларининг кенгайтирилиши ҳамда қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари ваколатларининг ўзаро мутаносиблигининг таъминланиши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда мамлакат Президенти ваколатларининг бир қисмини парламент юқори палатаси – Сенатга ўтказилиши, шунингдек, Бош вазир ваколатларининг кенгайтирилиши ва масъулиятининг оширилиши муҳим аҳамият касб этди.

Давлат ҳокимияти тизимини босқичма-босқич демократлаштиришда 2007 йилдаги ислоҳотлар муҳим ўрин тутди. Бу даврда мамлакат Конституциясидан Ўзбекистон Республикаси Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканлигини белгиловчи норма чиқарилди. Ҳозирги вақтда мамлакат Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. Вазирлар Маҳкамасининг самарали фаолиятини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш масъулияти, бунинг учун барча ваколатлар берилган Бош вазирга юклатилган бўлиб, у — Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради ҳамда ҳукуматлараро шартномалар ва битимларни имзолайди, Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

"Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини ошириш тўғрисида"ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда, сайлов жараёнларида аҳолининг ўз фикрини эркин намоён этишида, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг роли сезиларли даражада ортди. Хусусан, Ўзбекистон "Адолат" СДП мамлакат сиёсий майдонидаги ўз ўрнини бирмунча мустаҳкамлади. 2009 йил парламент сайловлари натижасига кўра 2004 йил сайлов натижаларига нисбатан салкам икки баробар ортиқ депутатлик ўринларига эга бўлиб, 19 депутатдан иборат ўз фракциясини тузди. Партия сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифаларни, хусусан, сайловчилар ва электорат манфаатларини ифода этувчи қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилинишида самарали фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"даги қонунчилик ташаббуслари ва ушбу ташаббусга асосан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бир қатор қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонунлар давлат ва жамият қурилишини босқичма-босқич демократлаштиришда муҳим босқич бўлди.

Фуқароларимиз сиёсий-ҳуқуқий маданиятининг, ижтимоий фаоллигининг сезиларли ошганлиги, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг изчил ривожланиши, кўппартиявийлик тизимининг мустаҳкамланиши бугунги кунда давлат бошлиғи — Президент, қонунчилик ва ижро ҳокимияти ўртасида ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Шундан келиб чиқиб, Президентимизнинг ташаббуслари билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қатор моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, асосий қонунимизнинг 98-моддасига киритилган қоидага асосан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловларда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан Президентга таклиф этилади. Бу нормага асосан Бош вазир лавозимига номзод кўрсатишнинг янада демократик тартиби жорий этилмоқда. Ушбу моддада биринчи маротаба Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳуқуқи ҳам жорий этилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш лозим-ки, бу янгилик ривожланган демократик давлатлар тажрибасига тўла мос келади. Конституциямизнинг тегишли моддаларига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг барчаси ҳам мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаган ҳолда мустақил Ўзбекистон Конституцияcига киритилган муҳим демократик ўзгариш, "ишончсизлик вотуми" ҳақида батафсил тўхталиб ўтмоқчимиз.

Жаҳон парламентлари тажрибаси шуни кўрсатадики, одатда парламент қуйи палатаси томонидан билдирилган ишончсизлик вотуми — ҳукуматнинг ёки алоҳида вазирликнинг сиёсий йўлини, муайян акциясини ёки ташаббус қилган қонун лойиҳасини маъқулламасликда ифодаланади. Амалиётда ишончсизлик вотумининг билдирилиши ҳукуматнинг истеъфога чиқиши ва янги ҳукуматнинг шаклланишига ёхуд парламентнинг тарқатиб юборилиши ва муддатидан олдин парламент сайловлари ўтказилишига сабаб бўлади.

Шу ўринда, хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Испанияда ижро ҳокимиятини ҳукумат амалга оширади. У парламент сайловлари натижасига кўра шакллантирилади. Испания Қироли Парламентга Бош вазир номзодини тасдиқлаш учун таклиф этади. Таклиф этилган номзоднинг тасдиқланиши учун парламентдаги сиёсий кучларнинг эгаллаган ўрни инобатга олинади. Қоида тариқасида, Бош вазир лавозимига сайловларда энг кўп ўрин олган сиёсий партия етакчисининг номзоди кўрсатилади. Бош вазир номзоди тасдиқлангандан сўнг, унинг тақдимига биноан Қирол ҳукумат аъзоларини тайинлайди.

Испания сиёсий ҳаётида Бош вазир муҳим роль ўйнайди. Бироқ айрим парламент монархияси давлатлари — монарх ва Бош вазир иккаласи ҳам мамлакатнинг сиёсий етакчиси бўлган (Буюкбритания) ёки Бош вазир амалда Қиролдан ҳам юқори бўлган (Швеция)дан фарқли ўлароқ, Испанияда Бош вазир Қиролдан кейин, иккинчи сиёсий етакчи ҳисобланади.

Испанияда ўзига хос тарзда "конструктив ишончсизлик вотуми институти" амал қилади. Испанияда, янги Бош вазир номзоди кўрсатилган тақдирдагина, ҳукуматга нисбатан конструктив ишончсизлик вотуми киритилиши мумкин. Германияда эса, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотумининг билдирилиши, ҳукуматнинг автоматик тарзда истеъфога чиқишига сабаб бўлади. Германия парламенти мазкур ишончсизлик вотумида кўрсатилган янги номзодни Федерал Канцлер лавозимига сайлайди. Испанияда эса, Германиядан фарқли ўлароқ, амалдаги ҳукумат ўзига нисбатан билдирилган конструктив ишончсизлик вотумига рози бўлиб, истеъфо берган тақдирдагина, ишончсизлик вотуми қабул қилинган ҳисобланади. Агар ҳукумат конструктив ишончсизлик вотумини тан олмаса, у ҳолда ҳукуматнинг ташаббуси билан Испания Қироли парламентини (бир ёки ҳар иккала палатасини) тарқатиб юборади ва муддатидан олдин янги парламент сайловларини эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилган қўшимчага биноан — мамлакат Бош вазири ва парламент Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан мамлакат Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш учун, энг аввало, амалдаги Бош вазир ва Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган бўлиши керак, қолаверса, Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми мамлакат Президенти номига "Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш" ҳақида расман таклиф киритиши лозим ҳамда Президент ушбу таклифга асосан Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масалани киритиши зарур.

Шу ўринда, Бош вазирга нисбатан билдирилган ишончсизлик вотуми қачон қабул қилинган ҳисобланади? Вотум қабул қилинса, ҳукуматнинг тақдири нима бўлади? Янги Бош вазир номзоди ким томонидан ва қайси тартибда тақдим этилади ёки тасдиқланади? Кўрсатилган номзод парламент томонидан рад этилган тақдирда нима бўлади, деган саволлар туғилиши табиий.

Ушбу саволларга ҳам Конституциямизнинг 98-моддаларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларда жавоб аниқ ва равшан акс эттирилган. Жумладан, Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг парламент палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади.

Бош вазир лавозимига таклиф этилган номзод Олий Мажлис томонидан икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Олий Мажлисни тарқатиб юборади.

Юқоридаги демократик тамойилларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида мамлакат сиёсий майдонида фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг роли ва масъулияти янада ортади. Шу боисдан, Ўзбекистон "Адолат" СДП мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ушбу ислоҳотлар, энг аввало, ҳокимиятлар бўлиниши конституцияий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш ҳамда парламентнинг назорат функциясини янада оширишга қаратилганлигини эътироф этган ҳолда уни тўла қуллаб-қувватлайди ҳамда аҳоли кенг қатламлари, жумладан, сайловчилари орасида кенг тарғиб қилишда фаол иштирок этади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси асосида Конституциямизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, хусусан, сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини қўлга киритган сиёсий партиялар томонидан Бош вазир номзодининг тақдим этилиши, Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши, шунингдек, мамлакат сиёсий тизимини модернизация қилиш жараёнида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар демократик ҳуқуқий давлатимиз тараққиётида янги босқични бошлаб бермоқда.

Президентимиз таъбири билан айтганда, мазкур ислоҳотларнинг муваффақияти фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклигига, сиёсий партияларнинг етуклик даражасига, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдири ва келажагига дахлдор бундай улкан масъулиятли ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир.

# Ўзбек халқи япониялик дўстларининг қайғусига ҳам, хурсандчилигига ҳам доимо шерикдир

**Биз ва дунё**

**“Жаҳон” АА.**

2011 йил 11 март санаси нафақат инсоният тарихида мисли кўрилмаган даҳшатли табиий офатлардан бирини бошидан кечирган миллионлаб японияликларнинг, балки бутун дунё ҳамжамияти хотирасида бир умр муҳрланиб қолади. Барчамиз яна бир бор япон миллатининг ҳар қандай фалокат олдида ўзини йўқотмаслиги ва руҳан тетиклигига гувоҳ бўлдик.

Айнан шу куни Япониянинг Тинч океани кўрфази яқинидаги шимолий-шарқий соҳилларида жойлашган Тохоку ҳудудида 9 балли зизила содир бўлди.

Зилзила ва унинг ортидан юзага келган цунами тўфони ҳалокатли оқибатларга олиб келди. Океанда содир бўлган баландлиги ўн метрлик улкан тўлқин йўловчи ва юк кемаларини соҳилга улоқтириб ташлади, ўн минглаб уйлар вайрон бўлди, қирғоқбўйи инфратузилмаси тамомила издан чиқди. Автомобиллар, одамларнинг мулклари, синган турли жиҳозлар худди дарахт барги каби лойқа сувда оқди. Зилзила силкинишига бардош бера олмаган АЭС реакторларига цунами жиддий зарар етказди. Кенг миқёсда радиациядан заҳарланиш хавфи кучайди.

Сўнгги маълумотларга кўра, қарийб 11 минг одам ҳаётдан кўз юмди, бедарак йўқолганлар тахминан 18 минг нафарни ташкил этмоқда, 300 мингдан зиёд киши эса бошпанасиз қолди. Афсуски, нечоғли қайғули бўлмасин, ушбу рақамларнинг ўсиши ҳануз давом этмоқда.

Ҳалокатли зилзила мамлакат иқтисодиётига ҳам катта зиён келтирди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, табиий офат етказган зарар миқдори 300 миллиард АҚШ долларидан ошиши мумкин.

Кўплаб ер силкинишлар азобини тортган Ўзбекистонда биродар япон халқининг бошига тушган бу оғир синов ҳақидаги мудҳиш хабар қалбда қаттиқ изтироб билан қарши олинди. Мамлакатимиз халқи офат содир бўлгандан буён ўтган кунлар давомида Япония аҳолиси тақдирнинг фожиали зарбасини мардларча ва фидокорона бартараф этаётганини ҳаяжонда, ушбу фалокат тез фурсатларда чекинишига хайрихоҳлик билан кузатди. Зилзиланинг фожиали оқибатларига, оғир жудоликларга қарамасдан, япон халқи ушбу кўргуликларни ваҳималарсиз, матонат ва аҳиллик билан қабул қилди. Фожианинг эртанги кунидан бошлаб улар ўз кучлари билан уй-жойларини қайта тиклашга тайёр эдилар. Японлар бу ер — уларнинг уйлари, Ватанлари эканлигини жуда яхши англаб етади.

Айнан японияликларнинг ўзларига хос бўлган шундай миллий хусусиятлари, ҳукуматнинг ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш бўйича дунёда тенги йўқ тизимнинг самарали фаолияти туфайли бундан-да оғир оқибатларнинг олдини олишга муваффақ бўлинди. Бутун дунё японларнинг энг оғир тарихий даврларда бутун миллатни сафарбар этиб, қуйилган мақсадларга эриша олишларига яна бир бор шоҳид бўлди. Япония одамзотнинг офат олдида ҳам ўз инсоний қиёфасини сақлаб қолиши мумкинлигини намойиш этди. Кунчиқар мамлакат аҳолисида “ҳаммаси тугади”, деган тушкун кайфият йўқ. Улар фақат бир нарсани, яъни кучли офат юз берганини ва у келтирган муаммоларни бирин-кетин ҳал этиш лозимлигини тушуниб етганлар.

Барча оила аъзолари — турмуш ўртоғи, болалари, неваралари ҳалок бўлганидан бағри қон, фиғон чекканча кўзда ёш билан ўз бурчини бажаришда, тирик қолганлар ҳақида қайғуришда давом этаётган Япониянинг Сендай шаҳрида истиқомат қилувчи кекса ўт ўчирувчи ҳақидаги телелавҳани кўпчилик кўрди. Бу каби мисолларни минглаб келтириш мумкин.

Фожиа пайтидаги тартибсизлик ва эгасизликлардан фойдаланиб ўзгаларнинг мулкига кўз олайтириш, нархнавонинг кескин ошиб кетиши ҳолатлари мутлақо учрагани йўқ. Дўкон эгалари, одатдагидек, маҳсулот нархларини пасайтиришди. Қолаверса, ичимлик сувини бепул тарқатишди. Кулфатдан жабр кўрмаган японияликлар бошпанасидан маҳрум бўлган ватандошлариларга ўз уйларидан жой беришди. Оғир дақиқаларда бор бисотини бошқалар билан баҳам кўрган японияликларнинг бундай хатти-ҳаракатлари бизнинг халқимизга ҳам ёт эмас. Қийин вазиятга тушиб қолганларга қўлдан келганча ёрдам кўрсатиш ўзбек ва япон халқларининг феъл-атворига хосдир. Зеро, бизда ҳам, уларда ҳам “мусибат ўзганики бўлмайди”, деган нақл бор.

Фалокатга учраган туманларга керакли ёрдам етказилмоқда. Оддий халқ ва йирик корхоналар ёрдам кўрсатиш учун бор кучларини ишга солмоқдалар. Мамлакат ҳукуматида Япония бош вазири Наото Кан бошчилигида махсус қўмита ташкил этилди. Фалокат юз берган ҳудудга Мудофаа кучларининг 100 мингдан зиёд ҳарбийси жўнатилди. “Фукусима” атом электростанциясида 200 дан ортиқ мутахассис ва ўт ўчирувчилар ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб, мамлакат ва ватандошларини қутқариш учун чинакам жасорат кўрсатишмоқда. Уларнинг қаҳрамонлиги ва фидойилиги кишини ҳайратга солади. Зеро, улар ўз ҳаётини қурбон қилишга тўғри келишини олдиндан билгани ҳолда, ўз қариндош-уруғлари билан видолашиб, ушбу офатга қарши курашга кўнгилли бўлиб жўнаб кетишган. Уларнинг 17 нафари ўлим билан тугайдиган даражада радиация билан нурланган.

Император Акихито японияликларга оталарча мурожаат этиб, “оғир дамларни матонат билан енгиб ўтиш” учун ўзини йўқотмасдан, бир-бирини қўллаб-қувватлашга чақирди. Мамлакат етакчиси “зилзила ва цунамидан қурбон бўлганларнинг охиратлари обод бўлиши учун ибодат қилишини” маълум қилди.

Бугун япон халқи сўнгги кунларда сурункасига давом этаётган табиий офат зарбаларини матонат билан енгиб ўтишда давом этмоқда.

Японияликларнинг бошига тушган улкан кулфат Ўзбекистоннинг ҳеч бир фуқаросини бефарқ қолдирмади. Зотан, халқларимизни кўп асрлик тарихий ва маданий ришталар боғлаб туради.

Япония мамлакатимизнинг йигирма йиллик мустақил тараққиёти давомида кўплаб муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурлар ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишда дўстона ёрдам бераётганини ўзбекистонликлар яхши билишади ва қадрлашади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов жаҳоннинг етакчи давлатлари раҳбарлари орасида биринчилардан бўлиб табиий офат содир бўлган кун — 11 мартнинг ўзидаёқ Япония ҳукумати ва халқига даҳшатли фожиа муносабати билан ўзининг чуқур ҳамдардлигини билдириб, ўзбекистонликлар япон халқининг бошига тушган фалокат ва ўрнини ҳеч бир нарса билан тўлдириб бўлмайдиган йўқотишларга шерик эканлигини қайд этди.

Ўзбекистон раҳбариятининг қарори билан Японияда табиий офат оқибатида жабрланганларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди. Ушбу тадбирнинг халқимиз томонидан асрлар давомида сақланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган инсонпарварлик, олижаноблик, ўзаро ёрдам ва мурувват каби қадриятларни ўзида мужассам этиб келган Наврўз айёми кунларида амалга оширилгани чуқур рамзий маънога эгадир.

Мамлакатимиз томонидан кўрсатилган кўмак Японияда юксак баҳоланди. Япония Бош вазири Наото Кан ва мамлакат ташқи ишлар вазири Такеаки Мацумото Ўзбекистон ҳукуматига маънавий жиҳатдан далда бўлган илиқ сўзлари ҳамда кўрсатилган инсонпарварлик ёрдами учун самимий миннатдорлик билдиришди.

**Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ёшихиса Курода** мазкур ҳолат замонлар мобайнида синалган икки томонлама дўстлик ва шериклик алоқаларининг яна бир исботи бўлганини, бу эса ўзаро муносабатларнинг янада кенгайиши ва мустаҳкамланишидан далолат эканлигини таъкидлади.

**Япониянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси, сенатор Кеко Накаяма** қалбини ларзага солган, минглаб ватандошларини йўқотган оғир бир пайтда Ўзбекистон раҳбарияти томонидан йўлланган Япония халқини маънавий ва руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи ҳамдардлик сўзлари учун чин юракдан миннатдорлик билдирди.

У, шунингдек, Япония табиий фалокатлар синовини биринчи маротаба бошидан кечирмаётгани, бундай ҳолат 1995 йилда Кобе ҳудудида ҳам юз бергани ҳамда мамлакат ушбу офатларни вақт ўтиши билан бартараф этиши шубҳасиз эканига қарамай, Ўзбекистоннинг оғир дамлардаги кўмаги оддий япон халқининг қалбидан бир умрга жой олишини таъкидлади.

**Токионинг “Нарита” аэропорти маъмурияти иш бошқарувчиси Ёасуо Фукумото** бу борадаги ўз мулоҳазаларини қуйидагича баён этди: “Бугун япон халқи оғир дамларни бошидан кечирмоқда. Япониянинг шимолида юз берган мудҳиш табиий офат натижасида бошпанасиз қолган кишиларга Ўзбекистон халқи томонидан юборилган палатка, адёл, оёқ кийимлари жуда ҳам зарурдир.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, ҳақиқий дўст айнан бошга кулфат тушган кунларда елкама-елка туриши билан билинади. Бунинг учун Президент Ислом Каримов ва ўзбекистонликларга чуқур миннатдорлик билдирамиз”.

— Ўзбекистон ва Япония орасидаги масофа узоқ бўлишига қарамасдан, дўстлик ришталаримиз нақадар мустаҳкамлиги яққол намоён бўлмоқда, — дейди Токио фуқароси Осаму Хашимото. — Ўзбек халқи ўзининг сахийлиги ва бағрикенглиги билан ажралиб туради. Кунчиқар юрт аҳли Ўзбекистонда олижаноблик ва самимийлик каби инсоний фазилатларнинг нақадар юксак қадрланишини яхши билади. Буни самимият билан юборилган инсонпарварлик ёрдами ҳам тасдиқлаб турибди. Биз, оддий японияликлар Президент Ислом Каримов ва Ўзбекистон халқидан японияликларни оғир дамларда қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдормиз.

Ушбу инсонпарварлик ёрдами 23-24 март кунлари Фукусима ва Мияги маъмурий ҳудудларида жойлашган манзилларга етказиб берилди.

**Фукусима ҳукуматининг халқаро департаменти бўлими директори Тошиаки Абе**нинг сўзларига кўра, маъмурий ўлка улкан табиий офатлар гирдобида қолган бир даврда Ўзбекистон ҳукумати томонидан юборилган инсонпарварлик ёрдами — адёл ва палаткалар етиб келди.

— Ўзбекистон ва Фукусима ўртасида кўп томонлама ва халқаро муносабатлар фаол олиб борилмоқда. Делегациялар алмашинуви йўлга қўйилган. Яна бир бора табиий офат натижасида юзага келган оғир дамларда кўрсатилаётган алоҳида эътибор учун Ўзбекистон раҳбариятига самимий миннатдорлигимизни билдирамиз, — деди Т.Абе.

Шу кунларда инсонларда умид ва ишонч уйғотувчи, тинчлик, фаровонлик ва ҳаётнинг янгиланиши рамзи ҳисобланмиш сакура дарахтининг гулга кириши японлар томонидан ўзгача ҳаяжон билан кутиб олиниши ҳам тасодиф эмас, албатта.

Айнан шундай ҳис-туйғуларга тўла Япониянинг футбол бўйича олимпия терма жамоаси аъзолари ўз ватанида кечаётган фожиали воқеаларга қарамасдан, Лондон олимпиадасига тайёргарликни давом эттириш ниятида бодом ва ўрик гулларининг иси уфуриб турган мамлакатимизга ўртоқлик учрашуви ўтказиш учун етиб келишди. Ўйин олдидан Мураббийлар штаби, футболчилар, ҳамда “Пахтакор” марказий стадионига йиғилган минглаб мухлислар Японияда табиий офат натижасида қурбон бўлганлар хотираси учун бир дақиқа сукут сақлашди.

— Бизни мамлакатимиз учун оғир дамларда умидлантириб турувчи омил — бу эртанги кунга ишончдир, қолаверса, минглаб чақирим узоқликда жойлашган бўлишига қарамай, мададкор дўстларнинг доимо бирга бўлиши ҳам катта аҳамиятга эга, — деди Япония олимпия терма жамоаси бош мураббийси Такеши Секизука. — Бундай пайтда географик координатлар ҳам шартли саналади. Биз Ўзбекистонда Япониядаги фожиага нисбатан чуқур қайғуриш ва самимий муносабатнинг гувоҳи бўлаяпмиз. Бунинг учун инсонийлик нуқтаи назаридан сиздан бағоятда миннатдормиз.

Хулоса ўрнида тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бугун тақдир синовига юзма-юз келган японияликлар ўзаро жипслашган, ўзларини янада матонатли ва дадил тутишмоқда. Ҳеч шубҳасиз, уларнинг мушкул ҳолатлардан чиқиб кетиш бўйича ўн йиллар давомида шаклланган доимий ҳушёрлиги бўлмаганда, одамлар орасидаги қурбонлар сони бундан ҳам кўп бўлиши мумкин эди.

Биз, ўзбекистонликлар Япония дунёнинг етакчи мамлакатларидан бири сифатида қисқа вақт ичида вайрон бўлган иншоотларни қайта тиклаш ишларини муваффақиятли якунлашига, биродар япон халқи эса ўзига хос қадр-қимммати ва меҳнатсеварлиги билан ўз келажагини қуришда давом этишига ишонамиз.

# Роғун лойиҳаси — Ўрта Осиё учун цунамидан ҳам хавфлироқ

« Давоми. Боши 1-бетда

Айни пайтда, Тожикистон Республикаси Фанлар академияси сейсмология институтининг фахрий директори, академик Собит Негматуллаев ИТАР-ТАСС мухбирига 2011 йил 15 мартда берган интервьюсида Японияда содир бўлган салкам 9 балли зилзилага ўхшаш ер силкинишлари 1907 йилда Тожикистон ҳудудидаги Қоратоғда, 1911 йилда Помирда юз бергани ва Сарез кўлининг пайдо бўлишига олиб келганини, 1949 йилда Хайтда ҳам такрорланганини қайд этган. Ўша зилзилалар 100 мингдан зиёд одамнинг ҳаётига зомин бўлган. Академик С.Негматуллаев ушбу зилзилалар юзага келтирган жараёнларни таҳлил қилар экан, кейинги 10 йил мобайнида Помир-Ҳиндикуш тоғ тизмасида кучли ер силкиниши рўй бериши мумкинлигини башорат қилган.

Нуфузли олим томонидан келтирилган мазкур статистика Тожикистон Бош вазирининг таскин учун айтилган баёнотидан кўра ишончлироқ, албатта. Академик С.Негматуллаевнинг мазкур башоратлари сейсмология соҳасида жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан эътироф этилган тадқиқот услубларига асослангани билан эътиборни тортади.

Тожикистон ҳукумати дунёдаги энг баланд тўғонни қуриш лойиҳасини қандай бўлмасин амалга ошириш мақсадида Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳаси билан боғлиқ техноген фалокатларнинг бўлажак хавфи ҳақида огоҳлантираётган кўплаб давлатларнинг олим ва мутахассисларининг ташвишли фикрларини эътиборсиз қолдирмоқда. Бу лойиҳа оқибатида юзага келадиган ўта жиддий хавфларни тожикистонлик олимларнинг хулосалари ҳам тасдиқлаб турибди. Айниқса, шуниси муҳимки, сейсмологлар Японияда содир бўлган зилзила ва Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳалаштирилаётган ҳудуднинг сейсмик фаоллиги ўртасида бевосита боғлиқлик борлигига эътиборни қаратмоқда.

Агар бу ҳудудда Япониядаги каби кучли зилзила рўй берадиган бўлса, баландлиги 335 метрдан зиёд тўғонга чуқурлиги 300 метрдан юқори бўлган сувнинг кучли ва катта босими тушади. Оқибатда тўғон унга дош беролмай, пойдевори силжийди ва ўпирилиш юз беради. Бу эса даҳшатли цунамини келтириб чиқариши мумкин.



Баландлиги 10 метр келадиган цунами Японияда қандай вайронагарчиликларга сабаб бўлганини барчамиз кўрдик. Зеро, оқибатини ўйламасдан қурилаётган Роғун ГЭСи тўғони лойиҳаси амалга ошса ва у ўпирилиб кетадиган бўлса, Вахш дарёси оқими бўйлаб пастга шиддат билан ёпириладиган сувнинг баландлиги ер сатҳидан камида 100 метрни ташкил қилади, вайронагарчиликлар келтириши борасида Япониядаги цунамидан бир неча баравар ошиб тушади.

Тўғоннинг ўпирилиши Ўрта Осиё мамлакатлари учун, аваламбор, Тожикистоннинг ўзи учун мисли кўрилмаган фалокатлар олиб келади. Мутахассисларнинг фикрича, воқеалар шу зайлда ривожланадиган бўлса, катта миқдордаги сув пастга секундига 130 метр ёки соатига 468 километр тезликда Нурек ГЭСи томон ёпирилади. Нурек ГЭСи тўғони бутунлай вайрон бўлиб, Нурек шаҳри баландлиги 280 метр ва тезлиги секундига 86 метр бўлган сув босими остида қолади. Вахш каскадининг бошқа ГЭС ва гидроузеллари ҳам шу каби бутунлай вайронага айланади, Сарбон, Қўрғонтепа ва Румий шаҳарларини бутунлай сув босади. Сув тошқини зарбига биринчи бўлиб ушбу шаҳарлар дуч келади ва у Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг бошқа ўнлаб шаҳарлари ҳамда аҳоли пунктларини ҳам босиб кетади.

Шу боис Японияда рўй берган зилзила ва унинг фожиали оқибатлари, шунингдек, тожикистонлик сейсмологларнинг холис фикрлари мисли кўрилмаган баландликда ушбу улкан гидроузел тўғонини лойиҳалаштириш ва қуришдек таги пуч ғояни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Тожикистон раҳбариятининг кўзини очади, деб умид қиламиз.

## Британияда ўқиш қийинлашади

Буюк Британияда хорижлик талабаларнинг мамлакат ўқув юртларида таълим олиши соҳасини ислоҳ этиш чора-тадбирлари режаси эълон қилинди.

Ички ишлар вазири Тереза Мэйнинг таъкидлашича, Европа Иттифоқига аъзо бўлмаган давлатлардан келувчи талабалар сони эндиликда кескин камайтирилади. Бу чоралар талаба визаларининг Британияга доимий яшаш учун келиш воситасига айланишининг олдини олишга қаратилган. Шунингдек, янги тартиб-қоидалар чет эллик талабалардан инглиз тилини пухта билишни талаб этади. Айни пайтда талабаларнинг ўқиш пайтида ишлашларини ҳам чеклаш назарда тутилган.

## Тоннел барпо этишни режалаштирмоқда

Дания Фемарн-Бельт бўғози орқали Лолланн ороли билан Германиянинг Фемарн оролини боғловчи 18 километр узунликдаги сувости тоннели барпо этишни режалаштирмоқда.

Ушбу тоннел фойдаланишга топширилгач, Копенгагендан Гамбурггача бўлган қарийб тўрт соатлик масофа бир соатгача қисқаради. Тоннел қурилиши 2014 йилда бошланади ва 6 йил давом этади.



## Янги ускуна кашф этилди

Исроиллик олимлар наркотик моддалар ва портловчи мосламаларни аниқловчи янги ускуна кашф этди.

Ушбу мосламада детектор сифатида сичқонлардан фойдаланилади. Мосламадаги мавжуд уч бўлманинг ҳар бирига саккизтадан сичқон жойлаштирилади.

Текширув чоғида ҳар бир бўлмага алоҳида-алоҳида ҳаво киритилади. Сичқонлар наркотик ёки портловчи модда ҳидини сезган заҳоти қўшни камерага қочиб ўтади ва хавфдан огоҳ этувчи датчик ҳаракатга келади.

Ушбу мослама мамлакат пойтахтидаги савдо марказларидан бирида синовдан ўтказилди. Сичқонлар 22 шахсни портловчи модда билан қўлга туширди.

*Хорижий манбалар асосида тайёрланди*

# Хусусий мулк дахлсизлиги — тараққиёт омили

**Мулкдор манфаати — қонун муҳофазасида**

**Восид ЭРГАШЕВ,**
ТДЮИ "Халқаро хусусий ҳуқуқ" кафедраси мудири, юридик фанлари номзоди, доцент.

Бозор иқтисодиётини ривожланиши, ҳуқуқий давлатни қарор топиши ва фуқаролик жамиятини шаклланишида хусусий мулкчиликка асосланган мулкий муносабатлар зарурий шарт ва таъминловчи восита ҳисобланади. Мамлакатимизда бозор муносабатларининг шаклланиши мулкий муносабатларни янгича мазмун билан тўлдирди ва уни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида жиддий ўзгаришларга олиб келди.

Мулк муносабатлари янгиланаётган жамиятимизнинг асосий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилди. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётини, сиёсий жиҳатдан қурилишининг асосий томонларини тартибга солиш бўйича тамоман янгича ёндашувни белгилаб берган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида "ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли"лиги кўрсатилиб, шахсларнинг мулкка бўлган ҳуқуқи конституциявий меъёр даражасига кўтарилди ҳамда муҳим иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлардан бири сифатида эътироф этилди. Конституциянинг 53-моддасига мувофиқ "Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди." Барча мулк шакллари орасида хусусий мулкка алоҳида эътибор қаратилди ва 53-модданинг 2-қисмида "хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир" деб белгиланди.

Янги мазмундаги иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асоси бўлган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси мамлакатимизда бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш каби муҳим вазифани муваффақиятли адо этди. Мулкнинг кимга тегишли бўлишидан қатъий назар тенг равишда ривожланиши учун имкониятлар мавжуд бўлиши ва уларни баб-баравар ҳуқуқий муҳофаза қилиниши тўғрисидаги меъёрлар Фуқаролик кодексида назарда тутилди. Унда назарда тутилган меъёрлар ўз мазмун моҳиятига кўра маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан эркин бозор иқтисодиётига ўтишда ўзига хос "кўприк" вазифасини бажаришга йўналтирилганлигини эътироф этиш керак.

Пировардида, мулк шакллари умумэътироф этилган тамойилларга асосланилган ҳолда хусусий ва оммавий мулк шаклларига ажратилди, мулкнинг дахлсизлиги, мулкий муносабат иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлиги белгилаб қўйилди, мулк ҳуқуқининг объектлари доираси сезиларли равишда кенгайди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда хусусий мулкнинг жорий этилиши, мулкдорлар синфининг шаклланиши улкан сиёсий аҳамиятга эга бўлган жараёндир. Хусусий мулк — ҳар доим шахсни ташаббускорлик кўрсатишга, иқтисодий фаол бўлишга, тўғри ҳисоб-китоб қилишга, жонбозлик кўрсатишга, эртанги кун учун жон койитиб яшашга ундайди.

Маълумки, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар доимий тарзда ривожланиш ва ўзгаришда бўлади. Мамлакатимизда хусусий мулкдорлар қатлами тўлиқ шаклланганидан сўнг, ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида ҳам тегишли ўзгаришларни амалга ошириш, қонунчиликни замонавий ва маърифий иқтисодий муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган меъёрлар билан takомиллаштириш давр талабига айланмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" деб номланган маърузасида иқтисодий тизимни янада эркинлаштириш борасидаги асосий вазифалардан бири сифатида "хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлашимиз, ҳар қайси мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкининг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратишимиз зарур" деб таъкидлаб, бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган асосий кафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдор ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозимлигини асослаб берди.

Давлат томонидан мулкий муносабатларнинг барқарорлигини кафолатланиши бозор муносабатлари ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Ҳеч шубҳасиз, хусусий мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини таъминлаш бозор иқтисодиётининг энг муҳим ва асосий мурувватларидан биридир. Чунки, ўз мулкидан қонундан ташқари ҳолларда маҳрум этилиши хусусий мулк эгаларида бир қатор салбий қарашларни вужудга келтиради. Даставвал, уларда ҳар бир мулк эгаси учун муҳим бўлган хусусий мулкдорлик туйғусини сусайтирса, иккинчи томондан хусусий мулкдордан мол-мулкни ҳар қандай ҳолатда ўзидан олиб қўйилиши хавфи улардан имкониятига қадар самарали фойдаланишга тўсқинлик қилади. Хусусий мулк ҳуқуқи таъминланган, мулкдор ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинадиган жамиятдагина нафақат моддий фаровонлик, балки бошқа ижтимоий-сиёсий шахсий ҳуқуқларни ҳар томонлама ривожланиши учун шарт-шароитлар вужудга келади. Хусусий мулк ҳуқуқи ҳуқуқий жиҳатдан амалда таъминланиши учун ҳуқуқнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши адолатли, оқилона тарзда белгилаб қўйилиши лозим. Агарда хусусий мулк ҳуқуқи вужудга келиши асослари лозим даражада белгилаб қўйилмаган бўлса ёки унинг бекор бўлиши асослари доираси кенгайтириб қўйилган бўлса, у ҳолда хусусий мулк ҳуқуқининг вужудга келиши манбаси қисқарган ҳолда мулкдорнинг мол-мулкдан маҳрум бўлиш хавф-хатари, таҳдиди кучайиб кетади. Яқин тарихимиздан маълумки, собиқ тузум ҳукмронлиги дамларида давлатнинг иқтисодда ҳукмрон чўққиларни эгаллаш ва сақлаб қолиш мақсадида, мулк эгасидан мол-мулк ҳақ тўламасдан, тўғридан-тўғри, ҳаётига, оиласига таҳдид солган тарзда зўравонларча тортиб олинган ҳолда ўтказилган.

Хусусий мулкка асосланган иқтисодий эркинликни таъминлаш жамият ҳаётидаги стратегик, глобал муаммоларни ҳал этиб қолмасдан, балки келиб чиқиши мумкин бўлган бир қатор ижтимоий муаммоларни ҳам олдини олишга хизмат қилади. Фуқароларнинг давлатдан бутунлай иқтисодий жиҳатдан қарам эмаслиги, давлатга нисбатан иш ҳақини ошириш, маҳсулотлар билан таъминлаш ва бошқа шу каби иқтисодий талабларнинг ошиб бориши билан характерланади. Агар шахсга унинг фаоллигини таъминлаб берувчи иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий шарт-шароитлар яратиб берилса, давлатга нисбатан иқтисодий асосланмаган истеъмол тавсифдаги боқимандалик талабларни қўйилиши барҳам топади.

Юртимизда хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилинишини янада кучайтириш улкан сиёсий аҳамиятга эга бўлган жараёндир. Ҳақиқий мулкдоргина ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун, ўз мулкини кўпайтириб, ривожлантириш учун жамиятда мавжуд ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб қолишга ва ҳимоя қилишга интилади. Ҳар бир шахснинг қўлида мулкнинг бўлиши жамият барқарорлигининг муҳим кафолатидир. Ўз мулкидан фарзандларига қолдириш имкони бўлган мол-мулкига, корхонасига, акцияларига, бошқа молиявий активларига эга бўлган киши объектив тарзда жамият барқарорлигини сақлашдан манфаатдор бўлади. Аксинча ҳеч нарсани йўқотмайдиган инсонни жамият учун, унинг нормал ҳаёти ва ривожланиши учун қандай даражада хавфли эканлиги бизнинг оғир, аянчли ўтмиш тажрибамиздан маълумдир.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Қонуннинг қабул қилиниши хусусий мулкдорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилинишини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаради ва хусусий мулкни жамият ҳаётида тутган ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

---

Мамлакатимизда фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялашдек ғоят муҳим масалаларга жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли давлат дастурларининг бош мезони сифатида қаралмоқда ва бу ўринда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг ажралмас қисми бўлган адвокатура тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги аҳамиятини кучайтириш, мустақиллигини таъминлаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

# Ўзбекистонда адвокатура институтининг ислоҳ этилиши

**Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари**

**Аюб МУҲАММАДИЕВ,**
ҳуқуқшунос.

Президентимиз раҳнамолигида ва бевосита ташаббуслари билан бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бераётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Адвокатура институтини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий натижаси тариқасида 1996 йил 27 декабрда мамлакатимиз тарихида илк бор «Адвокатура тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди ва олиб борилаётган ислоҳотлар давом эттирилиб, 1998 йил 25 декабрда адвокатура билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганлиги қувончли ҳол бўлди.

Адвокатура тизими ва адвокатлик фаолиятининг кафолатини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатининг мантиқий давоми сифатида 2008 йил 1 майдаги Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармони суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг дастлабки тергов ва суд иш юритувининг барча инстанцияларида малакали юридик ёрдам олишини таъминлаш, адвокатура тизимини юқори малакали кадрлар билан тўлдириш, адвокатлар мустақиллигини таъминлаган ҳолда бу касб эгаларининг нуфузини янада оширишни, бир сўз билан айтганда мазкур институтнинг мақомини юксалтиришни кўзда тутувчи ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Ушбу институтнинг янада такомиллаштирилганлигини Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги «Адвокатлик институтини такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни исботлаб турибди. Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал кодекси «Гувоҳнинг адвокати» институтини тартибга солувчи 66¹-модда, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс эса «Адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш» институтини белгиловчи янги 197¹-модда билан тўлдирилди, Жиноят-ижроия кодексининг «Юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш" институтини тартибга солувчи 10-моддаси эса янги таҳрирда берилди ҳамда процессда айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқлари тенглигини таъминлашга, суд ишларини юритишнинг ҳар қандай инстанциясида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини амалга оширишга оид жиноят ва фуқаролик процессуал қонунчилигига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, адвокатура соҳасидаги туб бурилишлардан бири, Ўзбекистон Адвокатлар ассоциациясининг негизида адвокатуранинг марказлашган ўзини-ўзи бошқариш тизими бўлган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси 2008 йил 12 сентябрда ташкил этилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мавжуд бўлган Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси адвокатларнинг корпоратив бирлигини таъминловчи кучли ташкилот бўлолмаган ва барча адвокатларни ўзида бирлаштира олмаган. Негаки, республикада фаолият кўрсатаётган адвокатларнинг атиги 50 фоизи Адвокатлар ассоциацияси аъзоси бўлган халос. Бу ҳолат эса ўз навбатида кучли адвокатура фаолиятини таъминлай олмасликка олиб келганлигини кўришимиз мумкин.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йилнинг 12 ноябрида бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ҳақидаги маърузасининг «Суд-ҳуқук тизимини ислоҳ этиш» деб аталган бўлимида ҳозирги вақтда мамлакатимизда прокурор ва адвокатнинг тенглигини, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишув бўлишини таъминлашга, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар изчил амалга оширилаётганлиги, ҳимоячига жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслардан мутлақо мустақил равишда жиноят иши процессининг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқи берилгани эътиборга сазоворлиги алоҳида қайд этилиб, бугунги кунда бу борадаги вазифаларни самарали ҳал қилиш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган ташкилий-ҳуқуқий чоралар белгилаб берилди.

Хулоса қилиб айтганда, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг ажралмас қисми ҳисобланган адвокатура тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги аҳамиятини кучайтириш юзасидан мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли фаолият, адвокатура институтининг, адвокатнинг мустақиллиги, касб этикасига ҳамда адвокатлик сири ва қасамёдига қатъий риоя этиш, қонун ҳужжатларида ман қилинмаган усул ва воситаларни қўллаш каби асосий тамойилларга оғишмай амал қилишнинг гарови эканлигини, адвокатуранинг вазифаси нафақат ишонч билдирган шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, балки давлат ва жамиятнинг умумий манфаатларини муҳофаза қилишни қамраб олишини алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади.

---

# Эл-улуси соғлом мамлакат — қудратли бўлур

**Саломатлик — юрт бойлиги**

**Фармуда МУРОДОВА,**
«Adolat» мухбири.

**Дардни яширманг, иситмаси ошкор этади.** Орамизда шундай инсонлар борки, бирор-бир юқумли касалликка чалинсалар буни ошкор этишдан чўчийдилар, шифокорга вақтида мурожаат этмайдилар. Бу эса бора-бора касалликнинг кучайиб кетишига, натижада салбий оқибатларга олиб келишига имкон беради.

Яқинда қишлоқда 10-15 чоғли аёллар бир даврада ўтириб қолдик. Шу аёллардан бири секингина мени имлаб, "синглим, раҳматли онам ҳам шу касал билан оғриб оламдан ўтганлар, бир эмас икки қизим бор, уларнинг тақдирини ўйлаб, сиз билан маслаҳатлашишга қарор қилдим, мени Тошкентга олиб кетсангиз, бирор-бир таниш шифокорга кўрсатсангиз, умр бўйи ҳаққингизга дуо қилардим" деб қолди. Мушкул аҳволда қолдим. Йўқ деб жавоб берсам, гўёки унинг касалидан ижирғангандек бўлган бўлардим... Хуллас, аёлни Тошкентга эмас, вилоятдаги махсус касалхонага боришга ундадим...

— Айрим кишилар борки, — дейди биз билан суҳбатда Республика физиатрия ва пулмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг етакчи илмий ходими, тиббиёт фанлари доктори Фотима Тошпўлатова — "барибир силдан тузалмайман, нима бўлса бўлар, беш кунлик дунё, ўйнаб қолай" деб зарарли одатларини ташламайдилар. Спиртли ичимликлар ичади, чекади, даволаниш тартибини бузади... Вақт ўтиб, сил жараёни зўрайиб, аҳволлари оғирлашгандагина шифокорга мурожаат қиладилар.

Ўйлаб қоласан, касалликнинг тарқалиб боришига мана шундай кишилар, мана шундай ҳолатлар сабаб бўлмаяптимикин...

**Билиб қўйинг, асқотиши мумкин.** Сил касаллиги (туберкулёз) — юқумли касалликлар туркумига кириб, уни сил таёқчалари келтириб чиқаради. "Туберкулёз" терминини илк бор француз олими Лаеннек таклиф қилган бўлиб, у лотин тилида "бўртмача" маъносини англатади. Сил касаллигини келтириб чиқарувчи микробларни биринчи бўлиб немис олими Роберт Кох 1882 йилнинг 24 март куни кашф этганини эълон қилган. Шу сабабли ҳам Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти бу кунни "Бутундунё Силга қарши кураш куни" деб эълон қилган.

Бугунги кунда дунё бўйлаб 2 миллиардга яқин киши сил касаллиги микобактерия ("таёқча")ларини юқтирган. 14,6 миллион киши силнинг фаол тури билан касалланган. Мазкур юқумли касаллик асосан, Африка, Жанубий-шарқий Осиё мамлакатларида кўп кузатилади.

**Эътибор ва муҳофаза.** Давлатимиз мустақилликка эришганидан буён соғлиқни сақлаш тизимига катта эътибор қаратилмоқда. 1997 йилдан бошлаб мамлакатимизга Бутунжахон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ДОТС — дастури (силни қисқа муддатли назорат остидаги даволаш курси) киритилди. Касалликни даволашда иқтисодий жиҳатдан самарадор мазкур тизим бугунги кунда республикамизнинг барча вилоятларида самарали ишлаб келмоқда.

— МДҲ давлатлари ичида биринчилардан бўлиб, Президентимиз ташаббуслари билан мамлакатимизда 2001 йилда "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш" тўғрисидаги қонун қабул қилинди, — дейди мазкур марказ раҳбари ўринбосари Даврон Мухторов. — Айни шу қонун ҳамда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган қатор қарорлар доирасида соҳада кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Охирги ўн йил ичида касалланиш кўрсаткичи 28 фоизга, ўлим кўрсаткичи 40 фоизга камайди. Сўнгги икки йил ичида аҳоли орасида касалликни барвақт аниқлаш учун республикамизга 29 та флюроускуналар келтирилди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча туман касалхоналари замонавий беникуляр микроскоплар билан таъминланган.

Дарвоқе, сўнгги йилларда аҳолининг юқумли касалликлар, жумладан, сил, гепатит каби оғир турдаги ва бошқа хасталикларга чалинишининг умумий даражаси анча пасайди. Буни биргина ўтган йилнинг ўзида соҳани ривожлантиришга 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилгани ва унинг 1 триллион 700 миллиард сўми бюджет маблағидан қопланганидан ҳам билиш мумкин. Қолаверса, бу йил ҳукуматимиз томонидан "Ўзбекистонда Сил касаллигига қарши курашга қаратилган 2011-2015 йилларга мўлжалланган Давлат дастури" қабул қилинди. Дастур доирасида асосий эътибор силга қарши муассасалар ишини мувофиқлаштириш ва уларнинг моддий-техника базасини яхшилашга қаратилади. Бу ишларни амалга ошириш учун давлат томонидан 250 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилиб, силга қарши тиббий муассасаларни модернизация қилиш (замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш) учун эса 20,7 миллион доллар маблағ сарфланиши назарда тутилган. Шунингдек, дастур доирасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий ишлар салоҳиятини ошириш ва уларни амалиётга изчил татбиқ этиш ҳам кўзда тутилган.



**Бирники мингга, мингники туманга...** "Ўзбекистонда Сил касаллигига қарши курашга қаратилган 2011-2015 йилларга мўлжалланган Давлат дастури" доирасида қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, таълим муассасаларида, аҳоли кўп яшайдиган манзилгоҳлар ҳамда кенг жамоатчилик орасида касалликни олдини олиш чора-тадбирлари, унинг нохуш оқибатлари хусусида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш мақсадга мувофиқ бўларди. Айни кезда бу борада ОАВларида чиқишлар қилинса, шаҳар, туман Хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, қолаверса, юрт саломатлигига қайғурган ҳар бир фуқаро биргаликда бу ишга бош қўшса, деган ниятда эдик. Зеро, мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ва келажакда соғлом, баркамол авлодларни етиштиришга ўз ҳиссасини қўшмоқ — барчанинг бурчи. Айтишади-ку «Бирники мингга, мингники туманга» деб.

Аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда ўз иштирокини янада кучайтириш тарафдори бўлган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ва унинг жойлардаги кенгашлари ҳам бу савоб ишга якдил қўшилиши — партиянинг сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалар сирасига киради.

---

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида, айниқса, фаол демократик ислоҳотлар даври бўлган сўнгги 10 йилда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

# Одам савдоси муаммоси

**ва уни бартараф этишда ОАВнинг ўрни**

**Давра суҳбати**

**Ўз мухбиримиз.**

Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар «Истиқболли авлод» Ёшлар ахборот-маърифат маркази ҳамкорлигида ташкил этилган «Одам савдоси муаммоси ва ушбу муаммони бартараф этишда ОАВ ўрни» мавзуига бағишланган давра суҳбатида мана шулар ҳақида сўз борди. Унда бугунги кунда бутун дунёда долзарб аҳамият касб этаётган одам савдоси муаммоси ва унинг келтириб чиқариши мумкин бўлган мудҳиш оқибатлари ҳақида аҳолини мунтазам равишда хабардор қилиб борилиши, бунда оммавий ахборот воситаларининг давлат, нодавлат ҳамда халқаро ташкилотлар билан чуқур ҳамкорлиги катта аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди. Шунингдек, аҳоли ўртасида ушбу жиноятчилик одамларнинг бу муаммо гирдобига илинишининг олдини олиши мумкинлиги ҳақида гапириб ўтилди.

Тошкент шаҳар «Истиқболли авлод» Ёшлар ахборот-маърифат маркази раҳбари Умида Каримованинг айтишича, одам савдоси муаммосини ёритишда айрим нашрлар (асосан, хусусий газеталар) «қош қўяман деб, кўз чиқариб» қўймоқдалар. Бундай нашрларда воқелик реал ифода топмаяпти. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, насиҳатомуз, ҳиссиётларга берилган ва бадиий тўқималарга бой бундай мақолалар одам савдоси жабрдийдаларига акс таъсир кўрсатмоқда.

Республика Бош Прокуратураси, ИИВ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ҳамда бошқа бир қатор мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этган мазкур тадбир давомида Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қарори доирасида олиб борилаётган фаолият тўғрисида батафсил ахборот берилди.

— «Ўзбекистонда одам савдосини олдини олиш» лойиҳаси асосида иш олиб борувчи, «Истиқболли авлод» Ёшлар ахборот-маърифат маркази Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа қатор ташкилотлар ёрдамида бугунги кунда чет мамлакатларга турли алдов йўллари билан олиб чиқиб кетилган, натижада соғлиғи ва ор-номусидан айрилган кўплаб аёлларга ҳуқуқий, руҳий, тиббий ҳамда ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, мутахассислик ва қайта касб эгаллашлари учун 150 нафардан зиёд аёлларга кўмак берилди, — деди «Истиқолли авлод» ННТ директори Нодира Каримова.

Давра суҳбати иштирокчилари глобал муаммо ечими учун курашиш, уни бартараф этиш, жабрдийда хотин-қизларни муқим иш ўринлари билан таъминлаш каби қатор масалалар хусусида ўз таклиф ҳамда мулоҳазаларини билдирдилар.

## ТЕРМИЗ ОМУХТА ЕМ МЧЖ

*жамоаси*

***барча ватандошларимизни халқимизнинг қадимий ва навқирон айёми — НАВРЎЗИ ОЛАМ билан самимий қутлайди!***

Мамлакатимиз гуллаб-яшнаши, юртимиз равнақи, элимиз бахт-саодати йўлидаги эзгу мақсадларимиз рўёбида барчангизга тансиҳатлик ва ишларингизга омад тилайди.



## ЧИРЧИҚ СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ

**давлат корхонаси жамоаси**

***муқаддас юртимиз аҳли ва меҳмонларини баҳор, гўзаллик байрами Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади!***

**Ватандошларимизга тинчлик-хотиржамлик, баҳорий кайфият, бахт-саодат, дастурхонларига қут-барака тилайди.**



## МУЗРОБОТ ОМУХТА ЕМ МЧЖ

*жамоаси барча ватандошларимизни* ***Наврўзи олам*** *билан муборакбод этади!*

*Она заминимиз узра илиқ баҳор нафаси кезиб юрган шу мунаввар кунларда сиз азизларга келгуси ишларингизда равнақ, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз. Жонажон Ватанимизнинг бутун дунё ҳамжамияти олдидаги нуфузи бундан-да ортаверсин!*

## «ҚЎРҒОНТЕПА ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ»

***акциядорлик жамияти жамоаси***

**Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади.**

**Барча юртдошларимизга сиҳат-саломатлик, баҳорий кайфият тилаб, кўзлаган режалари амалга ошишини, дастурхонлари тўкин-сочин бўлишини ният қилади.**



## НУРОТА ШАҲАР ҚИЗИЛЧА САВДО ИШЧИЛАР ШИРКАТИ *жамоаси*

*бунёдкор халқимизни эзгулик байрами — Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади!*

***Чеҳрангиз ҳамиша баҳор қуёшидай чароғон, кайфиятингиз доимо кўтаринки бўлишини тилаймиз.***












«CRYSTALLINE BUSINESS»
ўз устав жамғармасини
131.880.500 сўмдан 86.620.500
сўмга камайганини
маълум қилади.




# Қурилишда кўзбўямачилик кетмайди

**Таҳлил ва талқин**

**Абдусамат НОРМЎМИНОВ,**
Қашқадарё вилоят Давлат
архитектура-қурилиш
назорати инспекцияси бошлиғи,
**Давур ЖОЗИЛОВ,**
«Adolat» мухбири.

Бугунги кунда юртимизда бунёдкорлик, қурилиш соҳаси жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Айниқса, иншоотларда қўлланилаётган турли қурилиш материаллари биноларга ўзгача кўрк бағишлаб, унинг замонавийлиги ҳамда сифатини таъминламоқда. Бу борада Қашқадарё Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси ҳам вилоятда бунёд этилаётган бино ва иншоотларда бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини назорат қилиш бўйича муайян ишларни амалга ошириб келаётир.

Хусусан, ўтган йил вилоят Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси томонидан ҳудуддаги 55 та буюртмачининг 276 та объектлари рўйхатга олинди. Ушбу бино ва иншоотларда бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари аҳволи, қурилиш индустрияси корхоналарида ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари ва конструкцияларининг сифати, стандарт талабларига жавоб бериши, объектларда лойиҳа-смета ҳужжатлари юзасидан бир қанча текширувлар ўтказилган. Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи баъзи корхоналар стандарт талабларига амал қилмаётгани, сифатни назорат қилиш тизими мавжуд эмаслиги, пудратчиларнинг лоқайдлиги ёки кўзбўямачилиги сабаб барпо этилаётган айрим бино ва иншоотларнинг сифатига дарз кетмоқда.

Афсуски, назорат текширув натижасида юқоридаги салбий ҳолатлар кўзга ташланиб қолди. Жумладан, Касби пахта тозалаш заводини реконструкция қилиш бўйича қурилишда йўл қўйилган камчиликлар инспекция томонидан кўрсатиб ўтилган бўлсада, пудратчи «Чироқчи автомобилчи» МТП раҳбарияти камчиликни бартараф этмаган. «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Қонуннинг тегишли моддаларига асосан пудратчи, буюртмачи ва лойиҳа ташкилотларига жарималар қўлланилди, камчиликларни бартараф этиш тўғрисида огоҳлантириш кўрсатмалари берилди ва назоратга олинди. Бундан ташқари, текширув натижасида ноқонуний объектлар аниқланиб, уларнинг 799 таси буздирилиб, 182 та объектнинг ҳужжатлари эса тегишли равишда расмийлаштирилган. Лекин қўлланилган жарималар, аниқланган қонунбузилишлар айрим пудратчи ташкилотларнинг ўз ишига панжа ортидан қараётганининг исботидир.

«Қурилишда муаллифлик ва техник назорат тўғрисида»ги Низомнинг тегишли бандларига кўра техник назоратчи объектга келтирилган қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмларнинг сертификат, паспорт ҳамда лаборатория хулосалари мавжудлигини текшириши ва пудратчидан талаб қилиб олиши, уларнинг сифати, ташилиши, сақланиши ҳамда қўлланилишини амалдаги нормаларга мувофиқ келишини доимий назорат қилиши, ушбу қоидалар бузилиш ҳолатлари юз берганда ҳамда сифатсиз маҳсулотлар келтирилганда далолатнома тузиб, улардан фойдаланишни тақиқлаши кўрсатиб ўтилган. Худди шундай ҳуқуқ ва мажбуриятлар лойиҳа муаллифларига ҳам юклатилган бўлса-да, улар ўз вазифаларини баъзан қониқарсиз бажаришмоқда.

Қашқадарё вилоят Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциясига қарашли қурилиш маҳсулотларини сертификатлаштириш идораси томонидан ўтган йил давомида 58 та корхона билан келишув шартномаси тузилиб, ишлаб чиқарувчиларга 117 дона мувофиқлик сертификати берилган. Мувофиқлик сертификати асосан деворбоп бетонтош, сопол ғишт, темир бетон плиталар, пойдевор блоклар, боғловчи ва норуда металларга берилган.

Президентимизнинг «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кучайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида эса ҳозир вилоятда 59 та корхона ўз фаолиятини йўлга қўйгани қувончли албатта. Бироқ инспекцион назорат ўтказилган даврда 8 та корхонага берилган мувофиқлик белгисидан фойдаланиш бекор қилинган, 12 тур маҳсулотга берилган мувофиқлик сертификатлари аниқланган номувофиқликларга асосан амал қилиши тўхтатилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айрим корхоналар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясининг оддий қоидаларига ҳам риоя этмаслик одатий ҳолатга айланиб қолаётир. Маълумки, маҳсулот сифати, энг аввало, хомашё ва уни тайёрлаш сифатига боғлиқ. Мисол учун, биргина ғишт ишлаб чиқаришга рухсат бериш учун қоида бўйича карьердаги тупроқ геологик, минерал-петрографик жиҳатдан таҳлил қилиниши, физик-механик хусусиятлари текширилиши, унинг натижалари асосида белгиланган тартибда KSt ёки TSh каби норматив ҳужжат ишлаб чиқилиши зарур. Афсуски, кўпчилик корхоналарда малакали технологлар, техник назорат ходимлари етишмайди ёки фаолият кўрсатмайди.

Хулоса қилиб айтганда, ишлаб чиқарувчи корхоналарда назоратни кучайтирган ҳолда стандарт талаблар асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, сифатсиз қурилиш маҳсулотларини қўлланилишига қатъий тўсиқ қўйсак, хоҳ у хусусий уй-жой, хоҳ бошқа турдаги бинолар бўлсин, бунёд этилаётган иншоотларимизнинг мустаҳкамлигига эришган бўламиз.





# Ҳунарни асрабон нетгумдир, охир...

Мавзу

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА.

## ТОШДА ЎСАЁТГАН ГУЛ

Бирор таълим даргоҳида илм олиб, сўнгра ўрганилган касб — ҳунар дейилади. Олий ёки ўрта махсус таълим тугул, оддийгина ўқув курсини ҳам кўрмаган, лекин ўз-ўзидан нимадир ярата олиш қобилияти бўлса-чи — бу истеъдоддир! Бундай фазилатга эга кишиларни туғма истеъдод, туғма иқтидор соҳиблари деймиз. Бу синалган, тасдиқланган таъриф.

Маҳбуба — қўлигул тикувчи. Чеварлик она мерос, ҳам севган ҳунари. Қўли қайчига тегдими, жим туролмайди, нимадир бичишга киришиб кетади. Унинг учун кераксиз матонинг ўзи йўқ. Катта кишига ярамай, торлик қилиб қолган, йиртилиб ёки эскириб қолган кийимни кўрдими, айримларга ўхшаб ахлатга улоқтирмайди, чанг латта ҳам қилмайди — ғарч-ғурч қирқадида ёш боласига уйга кийишга кўйлак тикиб беради. Майда-чуйда қийқим маточалар ҳам унга кераксиз нарса эмас. Бекорчиликда айрим аёлларга ўхшаб кўчада ғийбатлашиб ўтирмайди-да, зерикиб қолмаслик учун маточаларни қураб-қураб қуроқ кўрпачалар, ёстиқчалар, чойнакпўшлар тайёрлайди. Хилма-хил рангли қийқим матолар меъморнинг турфа бўёқлари каби чиройли бирлашиб, яхлит матодан тикилгандан-да гўзал манзара кашф этадики, қўлга бир олмай, электр ёруғида бир айлантириб, томоша қилмасликнинг сира иложи йўқ.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Аёлларнинг оддий кийимидан тортиб, келинлик либосигача тикишни дўндиради. Ўғилчасига ҳам кўпинча ўзи уст-бош тикиб беради. Қачон уйига борсам, тикув машинасининг олдида нималарнидир тикиб ўтирганининг устидан чиқаман. Дераза ва эшикларида осиғлиқ оддий матолардан тикилган пардаларнинг бежиримлиги ҳам кўзни қувнатади, булар унинг ижод маҳсули эканлигига ҳавасингиз келади.

Аммо оилада фақат эркак ишлайдиган бу рўзғор ҳаминқадар, ўзининг айтишича, зўрға кун кечиришади. Ахир ижарада яшаш... Ҳадемай мактабга чиқадиган биттаю-битта ўғил ҳам ҳалигача боғча нималигини билмайди. Шуларни ҳам ўйлаб савол бераман:

— Маҳбуба опа, бирор тикув цехларида ишласангиз ёки уйда тикишга буюртма олсангиз бўлмайдими? Гулдай ҳунарингиз бўлса. Уйда зерикиб ўтиргандан кўра ҳам овунчоқ, ҳам даромад. Бунинг устига сизга ўхшаган яхши чевар излаб юрганлар қанча? Қолаверса, мана бу йилни Юртбошимиз "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб номлаб, соҳада ўзини кўрсатаман, деганларга барча имкониятларни очиб бердилар. Сиз ҳам ишингизни кенгайтирмоқчи, ривожлантирмоқчи бўлсангиз давлатимиз бу қарорингизни қўллаб-қувватлабгина қолмай, балки молиявий томондан моддий кўмак ва имтиёзлар беради. Сизникидай ҳунарим, истеъдодим бўлганда бугунги имкониятлардан, ғамхўрликлардан унумли фойдаланган бўлардим. Ахир ҳукуматимизнинг сиёсати сиз билан бизнинг фаровон яшашимизга қаратилган бўлиб, бунга шукрона айлаб, ҳам ўзимизга, ҳам жамиятимизга ўз ҳиссамизни қўшсак, айни муддао бўларди. Шундай эмасми?

— Эҳ.., сиз ҳам ичимдагини қўзғадингиз-да, — чуқур хўрсиниб қўяди у. — Телеэкранда менга ўхшаган аёлларнинг ўзига муносиб соҳаларда катта мавқеларга эришаётганларини, ишлаб чиқариш корхоналарини бошқараётганларини кўрсам ҳавасим келади. Ёки тикув, тўқув цехларида махсус иш кийимларда жамоа қаторида шижоат билан ишлаб, бозорларимизни ўзимизда ишлаб чиқарилаётган кийим-кечаклар билан таъминлашда ўз ҳиссасини қўшаётган хотин-қизлар қаторида мен ҳам бўлгим келади. Тезкор ва сифатли иш беришда ўзимни кўрсатиб, оиладан ташқарида ҳам ҳурмат-эътибор, эъзоз топгим келади, ич-ичимдан бунга интиламан.

Лекин... Хўжайиним ўта рашкчилар-да. Бирор жойда ишлаш ҳақида-ку, оғиз ҳам очолмайман. Уйда иш қилишга ҳам рухсат бермайди. Аёлини ишлатиб қўйибди, деган гапдан ор қилармиш. "Сен пул топсанг, бой бўлиб қолармидик?", дейди тағин. Ҳеч курса ўғлимизни боғчага чиқариб тўловини кўтарардим, кўчада юрмасдан тартибли бўларди, ёзув-чизувни ўрганарди, десам, «Бизлар боғча кўрмай мактабга чиққанмиз, мана дуппа-дурустмиз-ку», дейди пинагини ҳам бузмай. Ҳозир болалар мактабга ҳарф таниб чиқишаяпти, ҳовли бўлсаям майли, «домда» зерикиб ўтиришини айтмайсизми.

Дарҳақиқат, Маҳбубанинг гапларида жон бор. Тайёр ҳунари бўлса-ю, корига ярамаса, кимгадир ўргатиб шогирд қолдиролмаса, не наф? Рашкчи, «ориятли» эрининг кира қиладиган машинаси ҳам ижарага олинган. Уч кун ишласа, тўртинчи кун «запчаст» дейди. Шундай вақтда бундай «орият» фойдадан кўра зарар эканлигини ношуд эр билармикан?



## "РАҚОБАТДА МЕН ҲАМ БЎЛАМАН!"

Энди мана бу манзарага эътибор беринг: Нигора опа беш фарзанднинг онаси. Эрининг иши туфайли икки йил бурун Тошкентга, қўшни уйлардаги хонадонлардан бирига кўчиб келишганди. Меҳмондўст, чеҳраси очиқ аёл. Уй бекаси. Ўқишга кираман, деган йили онаси оғир хасталикка чалингани учун вақтида дипломли бўлиш унга насиб этмаган экан. Қишлоқда экин-тикин қилишиб, камхаржликка ўрганган эмасми, шаҳарнинг «сотиб ол, олиб кел»лари уни анча ўйлантириб қўйибди шекилли, бир даврада «Ҳунар ўрганиб, мен ҳам пул топмасам бўлмайди», деб қолганди.

«Эрингиз яхши топади-ку, сизга нима зарил?», деган қўшниларнинг эътирозлари унга қаршилик бўлолмади. «Етиб ерганга тоғ чидамас. Бир эримнинг топгани рўзғорнинг қайси ғорига етсин, болалар мактабга бўлса, уйда зерикиб ўтираманми?» — деди-да, айтганидай қилди — болалар мактабга кетиб-келишлари оралиғида «Иффатли келин» ўқув марказининг «Тикиш-бичиш» курсини ўқиб тугатди. Аввалига болаларига тикиб кийдирди, сўнгра бир-иккита қўни-қўшниларга, кейин эса кўпроқ буюртмалар қабул қилиб яхшигина пул топишни йўлга қўйди. Қўни-қўшнилар ҳам юмушлари бўлса бир қадам, деб унга югуришади. Ҳатто ўтган ўқув йилида 1200 га яқин мактаб формаси тикиб, сотувга чиқарди. Фойдасидан болаларига дарс столи, ўзига эса кўп имкониятларга эга тикиш машинаси сотиб олди. «Келажакда кичкинагина тикув цехини очиш ниятим бор», деганди Нодира опа суюниб.

Анчадан буён кўрмагандим, яқинда йўлда учрашиб қолдик.

— Энди «Уй ҳамшираси» курсига қатнаяпман. Иссиқ жоннинг иситмаси бор дегандек, фарзандларим шамоллаб қолса ўзим укол қилавераман-да. Бу ерда бировга битта игна суқтирсанг фалон сўм сўрашаркан. Шуни ўзим ўрганиб олай дейман-да», — дейди шоша-пиша.

— Бу нима? — қўлидаги бир даста қоғозларга ишора қиламан тиниб-тинчимаган хотиннинг шижоатига ҳавас қилиб.

— Ҳа-я, — жилмаяди у. — Айтгандим-ку, хусусий тикув цехи очиш ниятим бор, деб. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" муносабати билан бизга ўхшаган ҳунар эгаларининг фаолиятини кенгайтириш, хотин-қизларимизни иш билан таъминлашга эътибор берилаётган экан. Шунга мен ҳам бир уриниб кўрайчи, зора, ниятим амалга ошиб қолса, маҳалламизнинг бекорчи аёлларини ҳам иш билан таъминлаб, қаторимга олардим. Умримни бекор ўтказмай, дейман-да, синглим. Ахир, мен кутган кунлар келди-да. Ўқимаганман, деб ўксиб юрардим. Давлатимизда мен каби интилувчи инсонларга шундай кенг имкониятлар яратиб берилганидан хурсанд бўлмай бўладими? Энди мен ҳам ишлай оламан, энди менинг ҳам ўз ҳамкасбларим, ўз жамоам, керак бўлса ўз ижодхонам бўлади. Энди мен ҳам ўз маҳсулотларим билан рақобатлаша оламан!

Интилганга толе ёр, деб бежизга айтишмаганлар. Бир аёлнинг шижоати, рўзғорига ёрдами, ибрати ҳам шунчаликдир-да. Бундан ташқари, кексаларимиз нақл қилишганидек «эр-хотин — қўш ҳўкиз» бўлсагина оилада барака, тотувлик бўлади. Жуфти ҳалолининг ҳалол пул топишини гоҳ орият билиб, гоҳ рашк қилиб «ўтирғизиб» қўйганлар эса буни тушунишармикан?



# Қизларнинг севимли устози

Сарвар ЎРМОНОВ
(ЎзА) олган сурат

Мамлакатимизда ёш авлодни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом этиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан. Бу жараёнда қизларни спортга жалб қилиш ва хотин-қиз тренерларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ёш спорт мураббиялари сафи кенгайиши, қизларимизнинг спортга қизиқиши ва интилишини оширишга хизмат қилмоқда.

Кеча спортимизнинг умид ниҳоллари бўлган кўплаб қизларимиз бугун мураббий сифатида баркамол авлод тарбияси йўлида самарали фаолият олиб бормоқда. Ўз маҳорати ва тажрибасини ёш авлодга ўргатаётир. Бадиий гимнастика бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, Ўзбекистон чемпиони, Осиё чемпионати совриндори ва кўплаб халқаро турнирлар ғолибаси Комила Тўхтаева ана шундай салоҳиятли ёш мураббиялардан.

...Комила олти ёшидан бадиий гимнастика билан мунтазам шуғулланади. Устози Анелла Малкинадан юксак орзуларга етишиш учун кўп меҳнат қилишни, мақсад сари дадил интилишни ўрганди. Муттасил машғулотлар ўз самарасини кўп куттирмади. Истеъдодли гимнастикачи 2008 йили Нукус шаҳрида ўтказилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинларида тўрт олтин ва бир кумуш медаль жамғариб, салоҳиятли спортчи эканини исботлади.

Комила спортчилик фаолияти давомида бир неча маротаба мамлакатимиз чемпионатида шоҳсупага кўтарилган. Россия, Украина, Исроил, Туркия ва Қозоғистонда ўтган халқаро турнирларда совринли ўринларни эгаллаган. 2009 йили Осиё чемпионатида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган моҳир гимнастикачи терма жамоадаги дугоналари — Ульяна Трофимова, Вероника Есипова, Жамила Раҳматова билан бирга жамоавий беллашувларда бронза медалини қўлга киритди.

— Ўн икки йил бадиий гимнастика билан шуғулландим, — дейди халқаро тоифадаги спорт устаси К.Тўхтаева. — Айни пайтда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида биринчи курсда таҳсил оляпман. Дарслардан сўнг бадиий гимнастика бўйича мураббийлик қиляпман. Болаларни жуда яхши кўраман. Йиллар давомида тўплаган тажрибам ва билимимни қизларга ўргатяпман.

"Форум юниор спорт" болалар спорт мажмуасида мураббийлик қилаётган К.Тўхтаева 4-6 ёшдаги йигирма нафардан зиёд қизалоққа бадиий гимнастика сирларини ўргатмоқда. Президентимиз Ислом Каримов 2011 йил 25 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида алоҳида таъкидлаганидек, фарзандларимизнинг спортга бўлган меҳрини айни болалик давридан уйғотган тақдирдагина спорт ҳар қайси одамнинг ҳаётида ҳақиқатан ҳам доимий ҳамроҳ бўлиб қолади.

**Суратда:** *Комила Тўхтаева шогирди Даяна Фатахова билан машғулот вақтида.*

# Келинг, чақчақлашамиз!

**1 апрель — ҳазил ва кулгу куни**

— Нима учун XIX асрга қараганда одамлар ҳозир кўпроқ умр кўришади? — деб сўрабди ўқитувчи.

— Чунки, ҳар бир одам кредитга олган буюми учун ҳақ тўлаб улгуриши керак, — деди ўқувчи.

* * *

Ўғил отасига:

— Дада, дадажон! Бахтли одам экансиз.

— Нега энди?

— Янаги йилга менга дарслик сотиб олмайдиган бўлдингиз, синфда қолдим.

* * *

— Дада, сиз қуёндан қўрқасизми?

— Йўқ.

— Бўлмаса, нега қуён овига ит билан милтиқ кўтариб борасиз.

* * *

— Пастки қаватда яшайдиган бола билан ўйнамагин, у жуда ёмон тарбия кўрган.

— Мен яхши тарбия кўрганманми?

— Ҳа.

— Унда у бола мен билан ўйнаса бўларкан-да!

* * *

— Мен ўқиган вақтимда тарихдан доим "5" олардим. Сен "4" оляпсан. Дангаса экансан-да...

— Йўқ, бобожон, сизнинг вақтингизда тарих анча қисқа бўлган.

* * *

Маърузачи шундай деди:

— Азизларим, ҳаяжонланмасликка, асабийлашмасликка, ўз кайфиятингизни бузмасликка ҳаракат қилинг. Эр-хотин ўртасидаги беш дақиқалик жанжал умрни бир ҳафтага қисқартиради...



— Агар бу гап чинданам рост бўлса,— деди Насриддин ёнида ўтирган кишининг қулоғига шивирлаб, — мен бу ерга тўппа-тўғри нариги дунёдан келиб қолган эканман-да.

# Киссага урилган нақдгиналар

Солиқ

Баҳодир ҲАМИДОВ ёзиб олди.

Кейинги вақтларда аҳолини биринчи даражали тўловлар билан таъминлаш, яъни иш ҳақи, пенсия ва турли нафақаларни вақтида эгасига етказиш ўз изига тушди. Боиси, нақд пулнинг банкдан ташқари айланишини қисқартириш устидан қатъий назорат ўрнатилди. Бунда, айниқса, солиқ идоралари томонидан амалга оширилаётган тадбирлар яхши самара бермоқда. Бу ҳақда Чуст туман Давлат солиқ инспекцияси қисқа муддатли текширувларни ўтказиш шўъба бош инспектори Бахтиёр Исабоев шундай дейди:

— Банк хазинасидаги нақд пул асосан, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси тушумларидан шаклланади. Савдо эса ҳалолликни ёқтиради. Мўмай пул олдида эс-ҳушини йўқотиб, нафси ҳакалак отган савдогарнинг фаолияти узоққа бормайди. Ҳаётда бунга мисоллар жуда кўп. Туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари фаолиятида учраган ҳолат ушбу ақиданинг нақадар тўғрилигини яна бир карра исботлади. Тумандаги бир қатор савдо дўконларда ўтказилган текширишлар натижасида савдодан тушган катта миқдордаги нақд пуллар кассага эмас, киссага урилгани фош этилди.

Жумладан, хусусий тадбиркор Абдураҳмон Маъруповга қарашли савдо шохобчасида ўтказилган текширишда дўкон мудири кунлик савдодан тушган 41400 сўм савдо пулларини назорат-касса машинасига кирим қилмаганлиги маълум бўлди. Шунингдек, унинг банкка топширган тушим пули таҳлил қилинганда 227921 сўм назорат-касса машинасига кирим қилинмагани ойдинлашди.

Хусусий тадбиркор Раҳим Ҳалимов эса ҳамкасбидан анча устомон экан. Ушбу шохобча номидан банкка топширилган нақд пуллар савдо шохобчасига ўрнатилган назорат-касса машинасининг даврий ҳисоботлари билан солиштирилганда 2560500 сўм савдо пуллари назорат касса машинасига кирим қилинмаганлиги аниқланди. Бу рақамлар назорат машинаси доим ҳам ишлатилавермагани, демакки, сотувдан тушган катта миқдордаги маблағларнинг кассага эмас, киссага урилганидан далолат бериб турибди. Устига-устак шохобчада кирим ҳужжатларисиз 1158600 сўмлик товарни сотаётганлиги қайд этилиб, ушбу маҳсулотлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Аслида ҳар икки дўкон мудири ҳам бу ишларни мавжуд тартиб-қоидаларга зид эканлигини билганлар. Ахир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳар бир савдо ходимига жуда яхши таниш. Таажжубки, «қаҳрамонларимиз» била туриб қинғир ишга қўл урдилар. Натижада бугун эгик бош билан ўз қилмишларига пушаймон бўлиб туришибди.

Умуман олганда, туманда нақд пул тушумини кўпайтириш мақсадида ҳар ойда барча нақд пулга хизмат кўрсатувчи шохобчаларда хронометражлар ва назорат тадбирлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, нақд пул тушуми мумкин бўлган барча манбааларни қамраб олиш мақсадида Инкассация бошқармасидан ҳар ўн кунда ҳаридоргир маҳсулотлар учун пул кўчириб, нақд пул тушумини кам топшираётган субъектлар тўғрисида маълумотлар олиниб, шу асосда профилактик таҳлиллар олиб борилмоқда. 2010 йил давомида 74 та қисқа муддатли текшириш ўтказилди ва 71 ҳолатда 21 миллион сўм нақд пулни НКМга кирим қилмаслик каби қоидабузарликлар аниқланди.

## Донолар бисотидан

*Дўстлар фикридин ва душманлар макридин беларволиғ жоиз эрмас ва бу иш надоматдан ўзга натижа бермас.*

**Алишер НАВОИЙ**

*Эй дўст, улуғларни иззат қил, фойдасиз ҳар нарсага аралашиш ва тортишувдан сақлан.*

**Аҳмад ЮГНАКИЙ**

*Оқил улким,*
*ибрат олгай доимо,*
*Дўстлари бошига келганда*
*бало.*

**Жалолиддин РУМИЙ**

*Дўстлар кўнглини ранжитиш душманни муродига етказишдир.*

**Ҳусайн Воиз КОШИФИЙ**

*Ҳақиқий дўстинг ёрингдир улким, қўлинг тутса оёқдин тушганингда.*

**Сайфи САРОЙИ**

*Дўстга озор берма,*
*манман этмагил,*
*Берма қўлдин,*
*дўстни душман этмагил.*

**ЎГИТ**

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Таҳрир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ.

Бош муҳаррир: Худоёр МАМАТОВ
Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ (Нашр учун масъул)

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 236-57-14; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39;

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89.
Навбатчи муҳаррир — Ф. ЭСОНОВ.
Навбатчи — И. САХАТОВ.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
adolat_gazeta @mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100 ISSN 2091-5217

«Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақола белгиси.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г–400. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 6945. Босишга топшириш вақти — 23.00 Босишга топширилди — 23.20 1 2 3 5